140696

ЎЗ ХОМ АШЁСИ ҲИСОБИГА

СУРХОНДАРЁ. Шўрчи тумани пилла қабул қилиш идорасида илгари 13 киши ишлар эди. Ҳозир 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Боиси, идора пилла йигирув фабрикаси қуриб олди. Туман пиллакорлари эса бу сафар 84 ўрнига 105 тоннага етказиб қимматли хом ашё тайёрладилар.

Олимжон УСАНОВ.

ҲАМШИРАЛАР ХОРИЖГА БОРИШАДИ

НАМАНГАН. Республика учинчи кўрик-танловида қатнашиш учун келган 15 ҳамширанинг ҳар бири ўзига хос маҳоратга эга эди. Улар тиббиёт фанлари доктори Наима Маҳмудова бошлиқ нуфузли ҳакамлар ҳайъати эътиборини қозонишга интилдилар. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари инъом этилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Дадажонова эса қорақалпоқ қизи Гулбаҳор Нуримбетовага махсус совға топширди. Танловда Наманган тумани марказий касалхонаси ҳамшираси Ҳабиба Эгамбердиева биринчи бўлди. Қашқадарёлик Зулфия Равшанова билан Тошкент вилояти вакили Муҳайё Аҳмедовага иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди. Голибларга вазирликнинг хорижга бориш учун махсус йўлланмалари тақдим этилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГЕРМАНИЯДА БОСИЛГАН КИТОБ

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Германияда «Фарғона вилоятининг иқтисодий тармоқлари» номли китоб нашр этилди.

Китобнинг Германия Федерал ташқи савдо ахборотлари бошқармасининг ходими, доктор Иве Штрабах ёзган. У Фарғона вилоятида бўлиб, иқтисодиёт, немис сармоядорларининг фаолияти билан яқиндан танишган эди. Фарғона вилоятидаги қўшма корхоналар Германия тадбиркорларида қизиқиш уйғотмоқда. Китобда эса шундай корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларининг рўйхатлари, иқтисодий аҳволи ва манзилгоҳлари берилган.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҲАШАРОТЛАРДАН ХОЛИ БЎЛАДИ

ТОШКЕНТ. Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон бош йиллиги» тажриба жамоа хўжалигида республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Германиянинг «Байер» фирмаси билан ҳамкорликда «Гаучо» — ғўзани ҳашаротлардан сақловчи ва узоқ муддат таъсир этувчи восита» мавзусида кўргазмали семинар ташкил этди.

Жўракул ИСКАНДАРОВ.

«БЕШАРИҚ» ЧОРЛАГАНДА

АНДИЖОН. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрихон туман қўмитасининг ҳаракати, ҳокимлик ва жамоа хўжаликларининг кўмаги билан «Бешариқ» оромгоҳи қайта таъмирланди. Шу кунларда бу оромгоҳда 210 нафар ўқувчи дам олмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ХАЛҚ ТЕАТРИДА ЯНГИ КОМЕДИЯ

БУХОРО. Ғиждувон тумани маданият уйи Халқ театрида «Кундошлар» комедиясининг премьераси бўлиб ўтди. Маннон Ҳамид ижодига мансуб бу асарни режиссёр Ислом Ражабов саҳналаштирди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 6 июнь, пайшанба № 69-70 (21.991).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РУМИНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУХАРЕСТ, 5 июнь. (ЎзА махсус мухбири Ўктам МИРЗАЁР хабар қилади).

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Ион Илиеску таклифига биноан расмий ташриф билан Руминияга келди.

Бугун Ислом Каримовни «Котрочени» саройида Руминия Президенти Ион Илиеску юксак эҳтиром билан қарши олди.

Икки Давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида олий даражадаги меҳмонни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Руминия давлатлари мадҳиялари янгради.

Президентлар меҳмонлар шарафига саф тортган ҳарбийларга ҳурмат бажо келтиргач, сарой залларидан бирида тор доирада музокара ўтказдилар.

«Котрочени» саройи мажлислар залида Ўзбекистон ва Руминия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар ниҳоялагач, республикамиз Президенти Бухарестдаги Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Руминия ташқи ишлар вазири Т. Мелешкану ҳамроҳлигида халқаро савдо марказини бориб кўрди.

Савдо марказида асосан Руминия саноат корхоналарининг экспорт маҳсулотлари намойиш этилади. Хусусий корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари учун мўлжалланган транспорт, қишлоқ хўжалиги машиналарининг маҳсулотлари, замонавий талаблар даражасида катта унум билан ишлайдиган енгил саноат дастгоҳлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон раҳбари халқаро савдо маркази мажлислар залида Руминия ишбилармонлар доиралари вакиллари билан учрашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Руминия Бош вазири Н. Вэкероюни қабул қилди.

Руминия Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирди.

Юртбошимизнинг Руминияга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

СЕНАТОРЛИКДАН ҚОЧИБ ҚУТИЛОЛМАЙДИ

Боб Доулнинг Сенатдан кетишига асосий сабаб, у бор кучини Билл Клинтонга қарши йўналтирмоқчи ва Конгрессга алоқадор бўлмаслик эди. Энди ноябрь ойида Клинтон устидан ғалаба қилиш учун Боб Доул олдида турган масала Республикачилар кун тартибидан фарқ қилувчи асос яратишдир. Бироқ сўнгги ҳафтада Клинтон кампанияси унинг кун тартибида баён қилмоқчи бўлган фикрларига қарши чиқди.

БОЛАЛАР ҲИМОЯЧИЛАРИ — ВАШИНГТОНДА

Болалар ва уларнинг ҳимоячилари ёшларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Вашингтонга ташриф буюрдилар. «Ҳукумат бошлиқлари камбағаллик ва ночорликни қисқартириш йўлида катта ишлар қилмоқда. Уларнинг бундай ҳолга тушиб қолишларига ўзлари ҳам сабабчидирлар», — деди Нью-Йоркдаги Лонг Айлендда яшовчи кам даромадли аҳолини озиқ-овқат талонлари билан таъминлашда ёрдамини аямайдиган 25 ёшли Эрик Александр.

ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

Президент Клинтон Конгрессда Республикачиларнинг болалар соғлиғи муҳофазасини тугатиш учун қилган ҳаракатларини қоралади ва бундай фаолиятга йўл қўймаслигини айтди. Клинтон ўзининг радиодан сўзлаган нутқида: «Агар Республикачилар таклифини соғлиқни сақлаш қонунларига киритсак, минглаб ногирон ёки оғир касалга чалинган болалар соғлиқни сақлаш хизматидан маҳрум бўлган бўлур эдилар», — деб таъкидлади.

КЛИНТОН ҲАҚИДА

«Билл Клинтоннинг ҳеч ким аҳамият бермаган жиҳатларидан бири — ҳукуматни бошқаришдаги консерватив ва либерал партияларга бўлган муносабатидир. Бундан хулоса шуки, Билл Клинтонда плагиаторлик (ўзлаштириш) хусусияти бор», — деб таъкидлади президентликка номзод Боб Доул. Боб Доул Американинг бешта штатида бўлгач, яна Вашингтонга қайтди.

СУД ҲАЙЪАТИ АЪЗОСИ — МАКТАБДА

АҚШ Олий суди ҳайъати аъзоси Кларенс Томас мактабга таклиф қилинди. У: «Агар мактаб раҳбарияти ҳамда болалар яна менинг ташриф буюришимни хоҳлашса, мен яна бир бор қадам ранжида қилишим мумкин», — деди «Принц Жорж» номли мактаб раҳбари Жером Клари: «Мен бу фикрга қўшиламан, чунки болаларда бу жуда катта қизиқиш уйғотади», — деб айтди.

Ўзбекистон — Ватаним маним

ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

УРГАНЧ. «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг яқинда вилоят босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳар танлови ғолиблари иштирок этдилар. Огаҳий номли Хоразм вилоят мусиқали ва комедия театрида уч кун давом этган кўрик- танлов қўшиқчиларнинг ҳақиқий беллашувига, санъат байрамига айланди. Янги қўшиқлар, мусиқалар, янги овозлар янгради.

Янгибозор туманидаги «Боғолон» қишлоқ клубининг мудири, янгроқ овозли йигит Жумабой Аҳмедов биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Учта иккинчи ўринга Урганч шаҳридаги Харратов номли мусиқа билим юрти эстрада симфоник оркестри солисти Ф.Қозиқов, Хева шаҳар мактаблари бирлашган хор жамоаси ва Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист О.Ҳайитова сазовор бўлишди. Учинчи ўрин Огаҳий номли вилоят театри ансамбли жамоаси, К.Отаниёзов номли вилоят филармонияси хор жамоаси, Хонқа туманидаги санъат мактаби квартети жамоаларига насиб этди.

Танлов якунида вилоят ҳокими И. Юсупов мазкур тадбирни ўтказишда фаол иштирок этган ижодкорларни, ғолибларни қутлаб, уларга дипломлар, фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Шоҳимардон: Кўли Қуббон.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ЯНГИЧА ИШЛАШ НАФИ

Очиқ турдаги «Ғазалкент ойна» ҳиссадорлик жамияти Тошкент вилоятидагина эмас, балки республикамизда қурилиш ойнаси ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ҳиссадорлик жамияти шаклига ўтгач, ишлаб чиқаришда ўзига хос ижобий силжишларга эришмоқда.

— Жамоамиз илгариги иқтисодий алоқалар барбод бўлиши оқибатида ишлаб чиқаришда юз берган салбий ҳолатларнинг барчасини тўла бартараф этишга эришмаган бўлса-да, уларни аста-секинлик билан енгиб ўтмоқда, — дейди жамият раиси Шокиржон Ҳамидов.

Ҳа, бу ерда янгича ишлашнинг нафи катта бўляпти. Жамият ишчи-хизматчилари ҳар ойда мамлакатимиз қурилиш эҳтиёжи учун 130 минг квадрат метр ойна етказиб бермоқдалар.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий иш майдони

БЕМИННАТ ДАСТЁР

ШИРИН ШАҲРИ ЎЗБЕКИСТОН МИНИ ТРАКТОРЛАРИ ВАТАНИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

— Ҳа, — демоқда Ширин машинасозлик заводи бош муҳандиси Баҳодир АБДУСАЛОМОВ

Қайноқ ёз кунларининг бирида Баҳодир Абдусаломов зарур иш билан эски ҳамкорлари — Тюмень моторсозлик заводига борган эди. Сафар вақтининг қисқа бўлишига қарамай олдиндан уйлаб юрган режаси, шу ерда ишлаб чиқарилаётган «СТ-350» мини трактор муаммолари билан шуғулланиб чиқишга улгурди. Натижа чакки бўлмади. Бош корхона раҳбарияти Баҳодирнинг илтимосига биноан маҳсулот айирбошлаш ҳисобига 20 та мини трактор ускуналарини жўнатадиган бўлишди. Келишувга биноан, йигиш ва созлаш ишлари Ширинда амалга оширилиши лозим эди. Бош муҳандиснинг фикрича, тракторни Ширинда йиғиш, аввало ўзбекистонлик истеъмолчиларга харид нархида оз бўлса-да енгиллик тугдиради. Иккинчи муҳим масала — Ширин шаҳрида аста-секинлик билан шу кичик техника турини ишлаб чиқаришга асос яратилиши мумкин бўлади.

Энди икки оғиз Баҳодирнинг ўзи ва корхонаси ҳақида. Ширин машинасозлик заводининг ташкил топганига эндигина ўн уч йил бўлаётир. У республикамизнинг кенжа саноат корхоналаридан бири сифатида ноёб корхона ҳисобланади. Уфа моторсозлик бирлашмасининг Ўзбекистондаги ягона тармоғи сифатида барпо этилиши ҳам айни муддао бўлди. Бироқ, негадир асосий мақсад амалга ошмай қолди. Сўнгра орадан тўрт йил ўтгач, тақдир ширинлик машинасозларни тюменликлар билан боғлади.

Қишлоқ аҳли ташвишларини қишлоқдан чиққанлар яхшироқ билишади, дейдилар. Оғир қул меҳнатида умри ўтиб, қуллари қадоқ бўлган ҳамқишлоқларини уйлаган иқтидорли муҳандис шу жажжи тракторча, беминнат дастёрни курганида кўп нарсалар ҳақида ўйлаган бўлса ажаб эмас.

Хуллас, Боҳодирнинг ўша сафаридан сўнг орадан кўп ўтмай Тюмендан бир вагон юк келди. Унда 20 та мини трактор ускуналари, яъни комплектлари бор эди. Юк билан бирга бош корхонадан мутахассис ҳам ташриф буюрди.

— Мини тракторнинг сизга нимаси ёқиб қолдики, уни юзага олиб чиқишга шу қадар жон куйдираётган бўлсангиз? — сўраймиз бош муҳандисдан.

— Республикамиз кенг ривожланиш имкониятларига эга, — дея гап бошлади у. — Қаранг, қишлоқларимизда фермерлик ҳаракати қандай тез ривожланиб бормоқда. Бу катта ишлар ва узгаришларнинг дебочасидир. Уларга вақтида мадад берилса, деҳқон хўжаликлари юкларини енгил қилиш чоралари кўрилса, бу жараён янада тезроқ ва табиий ривож топади.

— Ҳаётда ҳар нарсанинг ўз ўрни бор, — дейди суҳбатдошимиз фикрини давом эттириб. — Чумчуқ отиш учун замбарак шарт эмас. Йирик майдон эгаларига катта тракторлар керак. Кичик-кичик ер эгаларигачи? Уларга Тошкент трактор заводида чиқарилаётган тракторлар қимматлик қилиши турган гап. Биз тавсия этаётган мини тракторлар эса улар учун бебаҳо дастёр бўла олади. Қолаверса, катта майдонлар учун ҳам у жуда керакли машинадир.

Суҳбатдошимизнинг фикрича, «СТ-350» мини трактори фойдаланиш учун ўта қулай. У 7-8 от кучига эга. Кажавасида 500 килограммгача юк кутара олади. Ҳаракат тезлиги — соатига 15 километр. Орқасига мослама урнатиб ерни ҳайдаш, экинларга ишлов бериш, экин-тикин ишлари билан боғлиқ бўлган барча юмушларни бемалол бажаради. Суғориш пайтида ўқариқлар очиш учун ҳам жуда қулай. Сабзавот, полиз экинлари учун эса фойдали коэффициенти янада юқори. У қатор ораларидан мевали дарахтлардан узилган ёки терилган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқа олади ҳамда зарур жойларга элтиб қўяди.

Мини тракторнинг олтита баллонли гилдираги бўлиб, уларнинг ҳаммаси тортади. Турган жойида бурилади, бунинг учун катта ва кенг майдон талаб қилмайди. Зиналардан юқорига чиқади ҳамда пастга туша олади. Кажавасидаги юкни тунтариб ташлайди. Шу томондан қурилишларда ҳам, саноатда ҳам, чорвачилик фермаларида ҳам бирдай фойдалидир.

— Бир қуйишда 10 литр бензин кетади. Лекин шу бензин деярли ун кунга етади. У тежамли, айни пайтда «инжиқ» машина эмас, — дея изоҳ берди Баҳодир.

— Унинг қиймати, яъни нархи ҳақида нима дея оласиз? — сўрадик бош муҳандисдан.

— Билишимча, Тошкент трактор заводида чиқарилаётган битта чопиқ трактори нархи деярли бир миллион сумга тўғри келар экан. Бундай харажатларни ҳозир кўпчилик ўзига раво кўролмаслиги мумкин. Бизнинг жажжи тракторчамизни харид қилиш учун эса кўпи билан беш-олтита яхши боқилган бўрдоқи қўйнинг пули кифоя. Бунга эса фермерликка, деҳқончилик ишига қўл урган кишиларнинг қурби етса керак, деб ўйлайман — хулоса қилади суҳбатдошимиз.

— Шунчалар арзон ва қулай экан, нега ишбилармонлар, фермерлар, деҳқон хўжаликларининг бошлиқлари бундай тайёр дастёрга эгалик қилишга бефарқ қарамоқдалар?

— Биз вазиятни тўғри баҳолай билишимиз керак, — дейди Баҳодир. — Ҳар қандай янгилик ўзига қийинчилик билан йўл очади. Одамларимиз енгил машина, уй-жой, тўй-томоша каби харажатларга урганиб қолишган. Лекин мини тракторлар, бошқа кичик техника — улар учун ҳозирча янгилик ёки эски ибора билан айтадиган бўлсак очилмаган қўриқ. Ана шу «қўриқ»ни очиш учун кимлардир биринчи бошлаши, жонбозлик қилиши, намуна кўрсатиши лозим. Кичик техника, мини тракторлар минг-минглаб фермер хўжаликларимиз далаларига кириб боргандан сўнг улардан келадиган самара қандай бўлишини тасаввур этиш мумкин... Шуларни ўйлаганда, қудратли Ўзбекистонимизнинг нафақат «оқ олтин», ғалла, самолёт, нефть, енгил ва юк машиналари, балки мини тракторлар ватанига ҳам айланиб қолишини астойдил орзу қиласан киши.

Хуш, муҳандиснинг бу гапларига яна нималарни қўшимча қилиш мумкин? Ширин — нурчилар шаҳри. Ажаб эмаски, келажакда у Ўзбекистон Республикаси мини тракторлар шаҳарчасига айланса. Ахир, энг катта ишлар ҳам оз-оздан, аста-секинлик билан, лекин энг муҳими меҳр-муҳаббат билан бошланган-ку! Президентимизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонини ўқир эканмиз, беихтиёр ана шулар ҳақида орзу қилдик. Қанийди, Ширин шаҳрида бошланаётган бу ҳаракатнинг ҳам чинакам жонкуяри ва ҳомийси топилса.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Луқма

МЕВА ШАРБАТЛАРИ АНҲОНИНГ УРУҒИМИ?

Ёз бошланди. Бинобарин, ташналик қистовга оладиган кунлар келди. Узингиз-ку, майлия, лекин ёш болаларингиз билан шаҳар айланганингиз чиқиб қолсангиз, ҳар қадамда «сув олиб беринг», «чанқадим», «музқаймоқ ейман» деб ҳарҳаша қилиши табиий. Шундай пайтда болакайларни ҳар доим ҳам музқаймоқ билан сийлай олмайсиз: терлаб турган болага музқаймоқ едириб, азобини тортиш кимга ҳам керак...

Қиссадан ҳисса, шукрлар бўлсин, дуконларимизда чанқовбосди ичимликларнинг минг бир тури муҳайё. Аммо жаннатмакон юртимизнинг ноз-неъматлари беҳисоб бўлса-ю, бизлар чанқовбосди учун газли, маъданли сув ичиб юрсак, одамга бироз алам қилар экан. Биргина Тошкентни олиб қурайлик. Илгари йирик дуконлар қошида ҳам узум, олма, помидор шарбатлари билан савдо қиладиган бўлимлар буларди. Бугунги кунда айрим дуконларда фойданинг кетидан қувибми, фақат шиша идишлардаги оқ, қизил, сариқ, кўк ва бошқа турли ранглардаги чанқовбосди ичимликларни сотишдан нарига ўтмаяпти. Албатта, фойда керак. Лекин ёз чилласи кунларида мева шарбатлари билан ҳам харидорларни «сийлаш» имконияти излаб топилса айни муддао бўлурди!

Абдулҳамид ПАРДАЕВ.

Иқтисодиёт олами

УЧ МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ДАРОМАД

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Бўз пахта тозалаш заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланди.

1305 дона имтиёзли, 2609 дона оддий акция ишчиларга тарқатилди. 717 дона қимматли қоғоз корхонада узоқ йил меҳнат қилган фахрийлар ва боқувчисини йўқотган кишиларга берилди. Мулкнинг шакл ўзгариши бир йилдаёқ ўз самарасини берди. 3 миллион 45 минг сўм фойда кўрилди. А. Қодиров, М. Жумабоева, Х. Мирзаевлар имтиёзли акциялар ҳисобига жамоа олган фойдадан тегишлича баҳраманд бўлишди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МАҲСУЛОТ НОБУД БЎЛМАЙДИ

ҚАРШИ (мухбиримиздан). Шаҳрисабзда «Ўзмева сабзавотузумсаноат» давлат уюшмасига қарашли консерва ва мева сабзавот қуритиш корхоналари ходимларининг семинар-кенгаши ўтказилди.

Унда саноатчилар қатори ҳокимлик, сабзавот-мева етиштирувчи хўжаликларнинг вакиллари ҳам иштирок этишди. Маълумки, ўтган йили катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлганди. Анча арзон сотилган турли мева ва сабзавотлар бу йилги шароитда қандай қадр топаркин, деган масала ўртага қўйилди. Консерва, мева ҳамда сабзавот қуритиш корхоналарининг бу йилги ҳосилни қайта ишлаш чет эл технологиясига таянган ҳолда амалга оширилишига эътибор қилинди. Бу ҳақда «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раиси ўринбосари Д. Маърупов, Андижон агрофирмаси бош директори И. Ваҳобов, «Маск» қўшма корхонаси президенти М. Маҳмудов, уюшма ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи И. Турсунов ва бошқалар қимматли мулоҳазалар билдиришди.

Юнус УЗОҚОВ.

ФОЙДАЛИ КЎРИК-ТАНЛОВ

Ҳаёт билан ҳамнафас

Жиззах вилояти маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси «Жиззах» хизмат ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда маиший хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича кўрик-танлов ўтказди.

Кўрик икки босқичда ўтди. Аввалига шаҳар ва туманларда, сўнг вилоятда давом этган мусобақада эркаклар сартарошлиги, оёқ кийимлари устаси, суратқашлик, аёллар сартарошлиги ва кийим-кечак тикиш бўйича Раиса Аминова, Қўшоқ Жабборов, Абдуғани Абдурасулов, Элмира Убайдуллаева, Гулшан Ҳасановалар ғолиб, деб топилди.

Кўрикдан маълум бўлишича, вилоятнинг Пахтакор, Жиззах туманлари ва Жиззах шаҳрида маиший хизмат кўрсатиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ғолибларга вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари, пул мукофотлари берилди. Кўрик-танловнинг якуний босқичида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Г. Субҳонова, вилоят ҳокимининг муовини Б. Узоқов, «Ўзмаишийхизмат» уюшмаси раисининг муовини Ф. Баратов иштирок этдилар.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Мени кўтаринг, ойижон!

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Ҳамкорлик

САХОВАТ БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши болалар уйларига, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам кўрсатиб келмоқда. Фаоллар тумандаги ташкилотларга бириктирилган. Улар жойларда бўлиб муаммоларни ўрганадилар. Ечимини топишга кўмаклашадилар.

Яқинда корхоналарнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилоти котиблари маслаҳатлашиб, ёрдам кўрсатиш йўллари тўғрисида келишиб олишди. Натижада 24 - болалар уйига тумандаги Агрегат корхонаси 20 минг сўм, велосипед ва самокатлар топширди.

36-махсус мактабда таълим олаётган болаларга 1-пойабзал фабрикаси томонидан 130 жуфт пойабзал ажратилди. «Компрессор» корхонаси томонидан ҳам шу мактаб болалари учун саховат кўрсатилди. Шунингдек, 100, 102-мактаб интернатларига ва 2 интернатга «Шарқ» бирлашмаси, бош кийимлар фабрикаси ва Улуғбек номли Тошкент Давлат университети томонидан моддий ёрдамлар берилди. Бундан ташқари, 1-мактаб-интернатда соғломлаштириш марказининг ишга тушаётгани ҳам нур устига аъло нур. Болалар бултур АҚШда бўлиб ўтган ногирон болалар олимпиадасида қатнашиб, юқори ўринларни олишга муваффақ бўлишган.

Учқун ШОЙИМҚУЛОВ.

НАМАНГАН (мухбиримиздан). МУМТОЗ САНЪАТГА МЕҲР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши замонавий эстрада санъати билан бир қаторда мумтоз меросимиз ҳам асраб-авайланиши лозим деган қарорга келди. Вилоят кенгаши ҳамда «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда халқимизнинг миллий ва маданий меросини эъзозлаш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида вилоятда Ўзбекистон халқ артисти, таниқли ҳофиз Камолиддин Раҳимов совриси учун ёш мақомчилар кўрик-танловини ўтказишга ҳозирланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ҳамда Халқ демократик партиясининг беш йиллигига бағишланган ушбу кўрик-танлов икки босқичда — шаҳар ва туманларда бошланиб, вилоятда якунланади. Ғолибларга истеъдодли санъаткорнинг шахсий ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари тақдим қилинади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

1996 йил — Амир Темур йили

МАРСИЯНИ КИМ БИТГАН?

Ҳожа Исматулло Бухорий ижодининг тарихий илдизи улуғ соҳибқирон Амир Темур саройига бориб тақалади. Яқин ўтмишга қадар унга сарой аристократ мутасаввуф шоири сифатида бир ёқлама баҳо бериб келинарди. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, мустақиллик умуминсоний қадриятларимизни жой-жойига қўйиб ўрганишни талаб этгани боис бугунги кунда кечмишимизга ўзгача нигоҳ билан қараляпмиз.

Соҳибқиронга атаб марсия ёзиш илк бора Ҳожа Исматуллога насиб этган. Бу бежиз эмас, албатта. Тарихий манбаларда жумладан Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ида, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» ва Алишер Навоийнинг «Мажолисун — нафоис» тазкираларида Хожа Исматулло истеъдодли зуллисонайн шеърият соҳиби, фозил ва донишманд киши бўлганлиги, Амир Темур саройида темурийзодалардан Султон Халил Мирзо ва Мирзо Улуғбекларга раҳнамолик қилгани эътироф этилади. Диний китобларда уни авлиё даражасида улуғлашадики, бу шоир ҳаётининг сўнгги йилларида саройни тарк этиб дарвешликда кун кечириб, табобат йўлини танлаб халққа хизмат қила бошлаганидан далолат беради. Ҳожа Исматулло замонасининг машҳур шоири бўлган. Унинг ижоди ўзбек адабиётшунослигида ҳали мукаммал таҳлил этилмаган. Шоир жавоҳирлари йигирмадан зиёд девонни ташкил этади. Булар собиқ Иттифоқ ҳудудида ва хорижий давлатлардан Америка (Филодельфия), Туркия (Истанбул), Англия (Лондон) миллий кутубхоналарида сақланади.

Амир Соҳибқиронга бағишланган марсия Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансуб бўлган «Темурнома» асарида учрайди. Унинг тўла матнини ҳавола этмоқчимиз: «...Муборак жасадларини Сарой Мулк ойим булғор ичра олдуруб, Самарқандга олиб келиб жаноза ўқиб даҳмага дафн айладилар. Мотамларида барча уламоу беклар ёш ўрнига қон йиғладилар. Ҳожа Исматулло бу марсияни айтиб, тўралар бирла аҳйлар йиғлар эрди.

ҒАЗАЛ:

Бўз чодириңг фалакким, султон ўлди ғойиб,
Тун ичра эрди чун моҳитобон бўлди ғойиб.
Ёруғ жаҳон қуёши, ислом элини боқувчи,
Дин эрди жустужўси, шаъри эрди гуфтугўси,
Миллатни обрўси, бурҳон ўлди ғойиб.
Нўширавондек одил, ҳам олим эрди, фозил,
Ҳар ишга ақли комил, фарзон ўлди ғойиб,
Давлатда ким Сулаймон, фитратда чун Фалотун,
Ҳикматда эрди гўё Луқмон ўлди ғойиб.
Эҳсонда мисли Ҳотам, Шавкатда эрди чун Жам,
Зўрликда ҳам чу Рустам, паҳлавон ўлди ғойиб.
Ғайратда мисли арслон, дашт ичра ёки қоплон,
Баҳра паҳанг-у, саъбон, шужобон ўлди ғойиб,
Фарзанди ақли пуён, Турағай баҳодур ўғли,
Сайёид Амир Темирхон Кўрагон ўлди ғойиб».

Гарчи ўринсиз бўлса-да, нега айнан Ҳожа Исмат бу вазифани бажарган деган савол туғилади. Жавоб «Темурнома»да равшан берилган. «Алқисса, қорилар начанд кун хатми Каломуллоҳ қилиб, фақиру мискинларга ошу таъом бериб, савобини руҳи пурфутуғ Амир Соҳибқиронга бағишладилар. Андин кейин умаро ва беклар машварат қилиб, кенгаш бирла мирза Халил тўрани ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни ўринларига тахт узра қарор бердилар».

Тарихий манбалардан маълумки, Ҳожа Исматулло Султон Халил Мирзога мураббийлик қилган. Амир Темур васиятига кўра, салтанат Пирмуҳаммад Мирзога тегиши лозим бўлса-да, Султон Халил Сароймулк ойим хайрихоҳлиги туфайли тахт ворислигини қўлга киритган эди. Шунинг учун ҳам соҳибқиронни дафн этиш маросимида Ҳожа Исматуллонинг марсия ўқигани шубҳага ўрин қолдирмайди. Марсиядаги таърифи-тавсифлар эса буюк бобомиз Амир Темур шахсий фазилатларига жуда мос келади.

Р. БОБОКАЛОНОВ,
Бухоро Давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Эътироф

ЁЗМАСА ТУРОЛМАЙДИ

Ҳаётнинг ўйинлари қизиқ экан. Бир куни хонага кириб келган устозимиз, раҳматли Жўра ака Холқосимов «Коридорда бир одам турибди, шуни кўриб олинг», деб қолдилар.

— Нимага?

— Керак бўлади...

Қарадим. Бир ҳамкасбимиз билан суҳбатлашиб турган бўйдор, қорачадан келган, сочлари жингалак киши кўзимга иссиқ кўринди. У қўл ҳаракатлари билан алланарсаларни тушунтирар, гапириши чиройли эди. Шунда орқамдан чиққан Жўра ака.

— Ёзмаса туролмайдигани шу, — дедилар жилмайиб.

Тасодифни қарангки, орадан йиллар ўтиб «ёзмаса туролмайдиган»дан ўша кунги воқеани батафсилроқ билиб олдим.

— Жўра акага ёзганларимни онда-сонда олиб келиб турардим, — деб эслайди Эркин ака Иброҳимов, — бироқ ҳеч материални бошидан охиригача ўқимасдилар, фақат кўриб чиқардилар. Нима сабабдандир «Ўлим ҳақ бўлгач» номли мақоламни эринмай охиригача ўқиб, «бундан албатта фойдаланамиз», дедилар бироз хаёлга чўмиб. Ишонасизми, Жўра ака билан охирги учрашувим ўша бўлган экан...

Устоз таърифини келтирган Эркин Иброҳимов ким ўзи дерсиз? Бувасининг отаси Худоёрхоннинг мирзоси бўлган — Иброҳим Мирзо. Уларнинг ўғиллари Мираъзам Иброҳим Даврон. Бу киши бир неча асарлар, жумладан, ўзбек шоиралари ҳақида илк тўплам муаллифидир. 1870-78 йилларда рустузем мактабида таҳсил олган Иброҳим Даврон «Правда» газетасининг илк тарғиботчиси, шоир Ҳамзанинг устози ҳисобланган. У кишининг уч нафар ўғли бўлиб, энг каттаси ҳаётининг салкам ярим асри таржимонлик қилган, газетада, Маориф вазирлигида ишлаган Ваҳоб Иброҳимов Эркин аканинг падари бузрукворларидир.

Ҳаётнинг ўйини қизиқлигини қарангки, авлоддан авлодга, қондан-қонга ўтади, деганларидек, Эркин Иброҳимовнинг ёзув-чизувга ўчлигиям, ҳар икки тил — рус ва ўзбек тилида бемалол мақола ёзишиям, таржимонликни ўрнига қўйишиям ота-боболаридан мерос экан. Унинг илк мақоласи «Пионерская правда»да босилганди. Азбаройи ёзишга қизиққанидан САГУнинг филфакида ўқиб юрганида журналистика алоҳида факультет бўлгач, кечкидан сиртқига ўтиб, ишлаб ўқишни афзал кўрди. Унинг нияти кўпроқ кўриб, ўрганиб, кейин қоғозга тушириш эди. Шундай кезларда у «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша олтмиш еттинчи йиллардаги олов журналистлари Жўра Холқосимов, Абдуллажон Абдуқодиров, Анвар Юсупов, Охунжон Ҳакимовлар билан танишди, улар билан ҳамфикр, деярли ҳамқалам бўлди. Тўғри, Эркин ака газетада ишламади. Лекин Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Ўзбекистон касаба союзлари уюшмаси, Республика Халқ контроли, Ўзбекистон Телерадио давлат қўмитаси ва ниҳоят, енгил металл конструкциялар заводидаги меҳнат фаолияти давомида журналистлардек ҳамма нарсага синчковлик билан қараб, атрофдаги камчилик, нуқсонларга лоқайд, беэътибор бўлолмаслиги билан ажралиб турди.

«Правда Востока» газетаси учун тайёрланган материаллари бир саҳифа бўлиб чиққанда, илк бора «Правда»да ўзининг исми-шарифини кўрганда, «Труд» газетасининг «Толеи ёр кишиларда» мавзуидаги танлов ғолиби бўлганда, «Торговая газета»ни «Известия»да танқид қилганда, «Киномеханик», «Библиотекарь» сингари журналларда мақолалари босилганда Эркин ака қувончига нафақат қизлари Иродахон, Зиёдахон ва уларнинг оналари, балки журналист ҳамкасблари ҳам шерик бўлдилар.

Ҳар бир мақоланинг ёзилиш тарихи ҳақида Эркин ака ҳеч эринмай, муҳими ўша ёзган пайтидек ёниб гапиради. Юрагини жазиллатиб қўйган мавзу бир ўтиришида қоғозга силлиққина туша қолади. Шу боис у айрим хонанишин журналистлардан пишиқроқ, ўқиганда ўзгалар кўнглига ҳам ўтиришадиган қилиб ёзади. Йилда кўп эмас, кам эмас қанча мақоласи қаерда чиқса, албатта у шов-шувга сабаб бўлади. Текширишга юборилади, натижаси кўпинча ижобий ҳал этилади. Чунки Эркин ака ҳақиқатни ёзади, ўша покдомон ўтган ота-боболари сингари ўзи ҳам шундай яшаётганидан, фарзандларига ҳам шундай тарбия бера олганидан мамнун бўлади.

Эркин Иброҳимовнинг куюнчаклик билан ёзган, «Тошкент оқшоми» газетасида босилган биргина «Тошкентда Самарқанд кўчаси борми?» мақоласи ёзилиш тарихи билан қизиққанимда бу инсоннинг ҳақиқатан ҳам ёзмаса туролмаслигига инондим. Гап шундаки, хизмат юзасидан Эркин ака қўлига Узоқ Сибирдан келиб, Тошкентда бир вақтлар мавжуд бўлган Самарқанд кўчаси ва унда истиқомат қилган хонадонни қидириб, охири тополмай юртига қайтиб кетган сибирликнинг мактуби тушади. Бу воқеа унга жуда таъсир қилади, ҳақиқатан шаҳарда шундай кўча борми, ўйлайди у ва аввалги Самарқанд кўчасини «қидириб» топишга жазм қилади. Шу йўсинда юқорида номи қайд этилган мақола ёзилади.

Тиниб-тинчимас Эркин Иброҳимов республикамиздаги деярли барча туманларда бўлган. У ким билан, қайси соҳа кишиси билан учрашмасин ўша касб эгасидек ҳамсуҳбат бўла олади. Қолаверса, у қалам ҳақи учун эмас, айтмоқчи бўлган гапини ўзгалар ҳам эшитиши, мулоҳаза қилиши, фикр уйғотиш учун ёзади. Ёзмаса туролмаса, нима қилсин...

Умида ФАЙЗИЕВА.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Самарқанд авиаотряди учувчилари «Самарқанд - Жамбул-Алмати» маршрути бўйича парвоз қила бошлашди. Ҳар ҳафтанинг жуфт кунларида амалга ошириладиган бу рейс ишбилармонлар, меҳмонлар ва саёҳат ишқибозлари учун катта қулайлик яратди. Бинобарин, ҳозир шаҳарда қўшни мамлакат тадбиркорлари билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Янги ҳаво йўлининг очилиши улар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш имконини беради.

ИНСОН ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Тожикистон Республикасида ЕХҲТ ташаббуси билан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт ташкил этилади. Мазкур ташкилотнинг Венадаги доимий қўмитаси институтни маблағ билан таъминлаш ва унинг ваколати масалаларини кўриб чиқди. Германия ҳукумати эса институтга зарурий асбоб-ускуналар учун 75 минг доллар миқдорида маблағ ажратган.

ҲАМКОРЛИК

Тожикистон ва Туркия ўртасида иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ ҳамкорлик дастури амал қилмоқда.

Мазкур дастурни Тожикистон Республикаси иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Туркиянинг ҳамкорлик бўйича халқаро агентлиги мувофиқлаштириб бораётир.

Дастурга биноан Туркия ва Тожикистон иқтисодий инфраструктурани ривожлантириш, транспорт, телекоммуникация, хусусийлаштириш, ирригация тизимлари, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик, кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилади.

Душанбеда агентлик ваколатхонаси очилган бўлиб, унда мутахассислар фаолият олиб бораётир.

ГИЛАМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ҳаммага маълумки, Туркманистон Республикаси чеварлари томонидан яратилган гиламлар бутун дунёни лол қолдиради. Кейинги пайтларда туркман гиламларига қизиқиш янада кучайди. Яқинда Туркманистон пойтахти Ашгабатда гиламлар кўргазмаси очилди. Бу ерда минг йиллик кўҳна гиламлардан тортиб, ҳозирги замонда тўқилган нафис ва гўзал гиламларгача намойиш этилмоқда. Кўргазма жараёнида семинар-кенгаш ҳам бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган мутахассислар ва шу касбни эъзозлайдиганлар келишди. Кўргазма томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ИККИ ҚАВАТЛИ БОЗОР

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Пойтахтимизда шу кунларда яна бир янги бозор қурилиши қизғин давом этмоқда.

«Миробод» деҳқон бозори қурилиши йил бошида бошланганди. Ҳозир бозорнинг шаклу шамойили кўзга ташланиб қолди. Бозор икки қаватли бўлиб, ўнлаб дуконлар, машина тўхташ жойи, омборхона, чойхона каби қулайликларга эга бўлади. Бозорнинг епиқ усулда бўлиши кўпчиликка маъқул келмоқда. Ҳозир юзга яқин техника ишлатилиб, ўн икки ташкилотнинг 450 нафардан ортиқ қурувчиси ғайрат кўрсатмоқда.

—Қурилиш ишларини яримлатиб қўйдик, — дейди участка бошлиғи Шавкат Абдусаломов. — Яқинда яна тўртта қурилиш бригадаси ёрдамга келади. Янги бозорни Мустақиллик байрамига тўёна бўлишини ният қилиб турибмиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

МОЖАРО ҚУРБОНЛАРИ

Рустам ва Баҳодир Раҳимовлар опа-сингил Шоҳида ва Шоҳиста Эшонқуловаларга уйланишди. Тўйдан кейинги комрон дамларда улар кўнгил нашъаси-ю намосидан лаззатланиб юришди. Рустам тушмагур ароқ деса, ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан. Орадан бир ой ўтди. Унинг туғилган куни оила даврасида хушнудлик билан кечди. Ароқ қурсин-а, ароқ! Кайфдан чуваланиб қолган Рустам хотини Шоҳидага: «Қизлигингни кимга...» дея хархаша қилди. Шоҳида талқон ютгандай анграйиб қолди. Жаҳл ичида вужуди қумдай тўкилди. Юрагида нимадир чирт узилди. Номус ўлимдан кучли! «Шу дардингиз бор экан, нега тўй эртаси куни ауҳаннос солмадингиз?», дея нафратини яширолмади. Рустам бундан тутқаноги тутиб ўшқирди:

— Ҳой, манжалақи, сенинг синглинг ҳам қиз чиқмаган.

Улар судралашиб айвондан ҳовлига чиқишди. Можаро бошланди. Уларнинг бақиришидан бироз ҳушёр тортган Баҳодир ва Шоҳиста ҳам ҳовлига чиқишди. Рустам ғудраниб сўкинди:

— Баҳодир, сенинг хотининг ҳам қиз чиқмаган-а, уларни ўлдириш керак!

Ширакайф Баҳодир ҳам бу қутқудан оловланди. Ака укани, ука аканинг хотинини дўппослай кетди. Рустам Шоҳидани ҳовлидан ташқарига ҳайдаб, дарвозага қулф урди. Бироқ ҳаял вақт ўтмай дарвоза ёнида ўз аламидан қоврилиб ўтирган хотинини ҳовлига етаклаб кирди.

Кўзгу дарз кетса уни бутлаш мушкул. Ўша куни эру хотинлар ўртасида жанжал жарлик очганди. Ўтаётган кунларда маъно йўқ эди. Арзимас ғиди-бидидан сўнг опа-сингил ота-онасиникига кетиб қолди. Ўртага оқсоқолу мавзе вакиллари аралашиб яна оилани «бутлаш»ди. Лойқаланган сув тиниш ўрнига бу оилаларда ширин такаллуф ўрнига қўпол муносабатлар куртак очиб борди.

Орадан бир йил ўтди. Шоҳида ишдан қайтди. Қўшни хонада ака-ука Баҳодир ва Мусулмон ароқ ичишиб ўтиришарди. Ука акага: «Иккаласиниям баҳридан кечинглар. Шоҳистангни тутқаноғи бор.» деб қолди. Совуқ гап Шоҳиданинг юрагига тиғдай ботди. Улар яна ғўлдирашарди: «Иккисини ўлдирамиз. Мурдасини одам бормас жойга элтиб ташлаймиз. Уйидагилар сўраб келишса, сизларникига кетган деймиз, вассалом».

Бу гапдан қалтироғи тутган Шоҳида оёғи учида юриб ҳовлидан қуён бўлди. Бу борада у Шоҳистанинг қулоғига гап шипшиб: «Эҳтиёт бўл, яна эски ғалваси бошланадиганга ўхшайди, — деб тайинлади. — Яхшиси, отанамизни олиб келиб орани очиқ қиламиз».

Шоҳиданинг уйга кетганлигини Мусулмон пайқаб қолган экан. У дарров Баҳодирни гиж-гижлади.

—Шоҳида янгам кетиб қолдиёв. Синглисини чақир. Қанақа эркаксан?

Улар Шоҳистани ёнларига чақириб сўроққа тутишди.

— Нимага опанг сўроқсиз кетади, манжалақи, — тарсаки урди Баҳодир.

Шоҳиста қўрқувдан дирдир титради. Бирон оғиз гап қайтарса тўполон бўлишини сезганди. Улар ташқарига чиқишди, ҳовлида Рустам пайдо бўлди, Қарангки, шу пайт дарвоза тарақлаб очилиб, Шоҳида ота-онаси ва акаси Илҳом билан келиб қолди. Бирдан Баҳодир бақириб юборди:

— Ана, ўзлари келиб қолдилар.

Баҳодир оловланиб, қўлига пичоқ тутди. Акасининг важоҳатидан «қанот»ланибми Мусулмон темир пружина олди. Даҳанаки жанг бошланди. Баҳодир кучли эди. Илҳомни улоқтирди. Шу пайт дарвоза очилиб ширакайф Рустам пайдо бўлди. Илҳом ака-укаларнинг зарбасидан ўзини ҳимоя қилишга қувват топмади. Баҳодир унинг сонига тиғ ботирди. Илҳом қаттиқ қичқирди. Жанжалдан хабар топган Илҳомнинг укаси Муҳиддин ҳам келиб қолди. Унинг бошига ҳам акасининг куни тушди. Қонга ботган ким, бақириб-чақирган ким. Хайриятки, милиция ходимлари жанжални бартараф этишди. Ака-укани шифохонага элтишди. Аммо Илҳом ва Муҳиддин оғир шикастланиш оқибатида вафот этишди. Яна аза, яна қий-чув.

Қотиллар сўроқ қилинди. Ака-укалар Рустам, Баҳодир ва Мусулмон Раҳимовлар суд жараёнида ўзларини оқ кўрсатишга уринишди. Ҳатто қайноғалари ўзлари йиқилиб ўлишган дейишгача бориб етдилар.

Вилоят судининг судьяси Х. Ёвқочдиев уларнинг қилмишларини фош этди. Рустам Раҳимов олий жазо — ўлимга, Баҳодир ва Мусулмон Раҳимовлар 20 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Ачинарлиси, ҳар икки оилада ҳам йўқотишлар бўлди. Бу можародан ҳеч бирлари ютиб чиқиша олмади. Кўрилган жабрни эса тарозига тортиб, ўлчаб бўлмайди. Тўрт нафар аёл ўз жуфти ҳалолларидан айрилишди. Оиладаги катта қурбонлик бутун элни ранжитди. Оқсоқолу фаолларнинг сўзлари елга учди. Раҳимовлар хонадони ҳақида қўни-қўшнилар элга қўшилмаслигини ҳам таъкидлашди. Бўлинганни бўри ер, деганлари ҳақ гап. Аммо улар ўзларининг кир, бепарда, қоронғу кўнгиллари билан можаро қурбонлари бўлишди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция капитани.

UZBEKISTON OVOZI
TIMES

№ 2 ● June 6, 1996 ● Thursday

PRESIDENT ISLAM KARIMOV RECEIVES WORLD BANK DELEGATION

President Islam Karimov has received a delegation of World Bank executive derectors. No country can effect economic reform without the assistance from the world`s largest financial institions, said President Karimov. Last year the World Bank qave a 16-million-dollar reabilitation loan to Uzbekistan for backing the national currency and imports. Both sides discussed perspectives for future cooperation between Uzbekistan and the Wold Bank. The delegation was also received at the State Property Committee and the National Bank. The National Bank`s assets are valued at 2.5 billion U.S. dollars.

PRESIDENT ISLAM KARIMOV RECEIVES JAPANESE FINANCIAL DELEGATION

President Islam Karimov received a Japanese delegation of economists, scholars and financiers headed by Tadao Chino, Deputy Manager of the Japanese Financial Corporation for Agriculture, Forestry and Fishery. Both sides discussed issues related to further cooperation between Uzbekistan and Japan. President Karimov congratulated Mr. Chino on becoming an honorary citizen of Tashkent. The delegation was also received by Prime Minister Utkir Sultonov.

DEAR READER!

Uzbekistan is on the eve of the fifth anniversary of its independence. Great economic and social changes have occurred in the country during this short period. There is a growing worldwide interest in learning more about Uzbekistan and in establishing partnerships.

All of this has moved the editorial office of the "Uzbekiston Ovozi" (The Voice of Uzbekistan) newspaper to begin an advertising and information insert to the newspaper. The insert will carry articles and news on today`s Uzbekistan as well as commercial advertisements.

We believe, Dear Reader, that this insert will live up to your expectations and fulfill your needs.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Мамлакатимиз ҳадемай ўз мустақиллигининг беш йиллигини нишонлайди. Ана шу қисқа даврда юртимизда катта иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Хорижда Ўзбекистон ҳаёти ҳақида янгиликлар олишга ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга интилиш ортмоқда. Шу муносабат билан "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти инглиз тилида "Uzbekiston ovozi-times" ахборот-реклама иловасини нашр этишга қарор қилди. Ушбу иловада бугунги Ўзбекистон ҳақида мақолалар, янгиликлар, шунингдек реклама ва эълонлар чоп этилади.

Ўйлаймизки, азиз муштарий, илова ўз олдига қўйган вазифаларни масъулият билан адо этади.

After four years of interval recovered an airfly between Tashkent and Baku. Last week the air craft of Azerbayjan aircompany "IMair" had landed to Tashkent airport.

NEWSLINE

Prime minister Utkir Sultanov signed a decree of Cabinet of Ministers of Uzbekistan about opportunity humanitarian aid to the people of Tajikistan, who suffered from natural disaster.

NEWSLINE

The fund "Soglom avlod uchun" in common with Ministry of Foreign economic affairs hold a big benefical action in "Tashkentland" on the 1st of june. The half thousand children were invited from the special boarding-schools and from the houses of kindness

ZARMITAN`S GOLD

A large-scale gold mining is being organized in the Republic following the discovery of the Zarmitan gold-bearing province in the Samarkand Region of Uzbekistan. It`ll undoubtedly become the basis for the further rapid growth and development of the Uzbek economy.

Besides, it opens up particularly broad prospects for a successful integration of Uzbekistan into the world business community.

Strictly speaking, the Zarmitan complex comprises two deposits of nation-wide importance. Their exploitation was launched a few years ago. Extracted both from open excavations and from mines, the gold has been refined at a near-by gold-dressing factory.

With the view to enhance the development of the Zarmitan gold deposit, Uzbekistan put up the project for international tender. Having won the tender, Western Corporation Limited, a renowned Australian firm, is planning to modernize the technological process of gold extraction with the help of its originally designed method which will lower production costs and increase output.

By the way, when making a decision to participate in the tender, Western Corporation Limited was guided by such positive factors as the Newmont`s experience in Uzbekistan as well as a favourable investment environment created in the Republic for foreign businessmen.

CENTRAL ASIAN-AMERICAN ENTERPRISE FUND ASSISTS LOCAL BUSINESSMEN

The Central Asian-American Enterprise Fund has given over forty million U.S. dollars of credit to businessmen from Uzbekistan during the past two years. The Fund is continuing to attract foreign investors to Uzbekistan. The Fund has received an approval for 100 million U.S. dollars to further support local entrepreneurs. The Chairman of the State Property Committee, Viktor Czhen, met with Chairman of the Fund`s Board of Directors, Sfephen Solarz, in Samarkand.

NEW PRESIDENTIAL DECREE

President Karimov has signed a decree on "Additional Measures for Stimulating the Establishment and Activities of Enterprises with Foreign Investments."In accordance with this decree, enterprises with foreign investments that produce export-oriented and importreplacement goods are tax exempt for up to two years for income, VAT and land. Enterprises with a 500-thousand-dollar foreign authorization capital fund tax exempt for property. The above-mentioned enterpises will be provided timely convertibility of soum to hard currency for purchasing raw materials, assembling parts and equipment, as well as for profits and devidends.

Dole: Clinton 'plagiarized' GOP ideas

WASHINGTON

GOP presidential candidate Bob Dole rallied state party chairmen Saturday by portraying President Clinton as a plagiarist determined to "talk conservative, govern liberal and hope nobody notices." Returning to Washington after a five-state swing, Dole said that while Congress may soon be gone from his life, it won't be forgotten. "Just think where Bill Clinton would have taken America if we had not had a Republican Congress," he said.

What a bargain! Forest service charges low fees

WASHINGTON

The federal government is losinq millions of dollars a year because the Forest Service charges owners of power lines, telephone lines and pipelines only a fraction of what utilities pay for access to state or private lands. Forest Service fees "do not reflect fair market value" as required by several laws, the General Accounting Office said.

Dole vows to punish spouse abusers

CHICAGO

Tailoring his anti-crime message to women voters, Republican Bob Dole promised tough punishment of wife beaters. "I think men who commit violence in their homes must understand that this behavior is not just a family matter, "Dole said. Dole spoke after a private discussion with prosecutors, teachers and others involved in an Illinois program that coordinates social services, including intervention in domestic violence cases.

Government's Whitewater witness goes to prison

FORT WORTH

Texas-Key Whitewater prosecution witness David Hale reported to a federal prison Friday to begin serving a 28-month sentence for defrauding the Small Business Administration. The former judge and banker was the main witness in the Whitewater-related trial that resulted in the convictions Tuesday of Arkansas Gov. Jim Guy Tucker and James and Susan McDougal.

DAEWOO:

DAEWOO TELECOM LTD.

NEW FACET OF ACTIVITY

DAEWOO Textiles has recently signed an agreement with the "Uzbeklegprom" Association on the establishment of an enterprise with a 100-percent foreign capital participation. The company is planning to use the factory of non-weaving fabrics located in the Tashlak district of Uzbekistan as a foundation for the said enterprise. Let it be stressed that it`ll be the first enterprise of the kind in the Uzbek textile industry.

DAEWOO is going to invest as many as about USD 60 million in the project. A great deal of emphasis is laid on modernization and reconsruction of the factory`s existing production facilities. After the reconstruction, the new enterprise is expected to manufacture some 10,000 tons of high-grade cotton cord yarn every year that will meet the most imposing international requirements. The point is that its entire produce will be exported, given its revenue`ll bere-invested into the Republic`s economy. The enterprise is supossed to move up into its projected capa-city by the beginning of the next year.

The Tashkent fountains

Photo by A. MAMADAMINOV

To the 660th anniversary of Amir Temur

CONSTELLATION OF THE OLD TIMES

By Sh. Shayakubov

"Architectural Constellation of the Timurid Epoch" —such is the title of a new book by Pulat Zakhidov, Doctor of Architecture, published by the "Shark"Publishing Concern. The publication is arranged for the 660th annivesary of Amir Temur.

Considering the 660th anniversary of this outstanding statesman an important social and political event in the history of Central Asia, UNESCO declared 1996 a year of Amir Temur. By UNESCO's decision, the largescale celebrations dedicated to the event has recently taken place in Paris (France).

The striving of the broad masses to cast off the foreign yoke and the discontent of the local nobility with the Mongol rule promoted the emergence of the famous Amir Temur on the historical scene. A prominent military commander and an outstanding statesman, he became the ruler of Mavera-Un-Nahr in 1370. His rule and the rule of his successors were marked by the growth of the production forces and the envigoration of trade and cultural development. It is the historical fact that the economic and political transformation carried out by Amir Temur had triggered the process of the cultural Renaissance in the Orient.

Returning to the above publication, I'd like to stress the fact that it was presented at the Paris celebrations of the 660th anniversary of Amir Temur alongside with a number of other editions highlighting his genius as an architect. When going through the pages of this lavishly illustrated book, one cannot help admiring our great ancestor's fruitful activities in various sectors, architecture in particular. The book is a result of an in-depth research of the Timurid epoch. Academician A. Yakubovsky appreciated, in particular, the scope and significance of construction run by Amir Temur that resulted in an unprecedented growth of architectural activity in Central Asia at that time.

The author in a terse manner describes the peculiarities of the architectural and urban development of that period. The rule of Amir Temur occupies a special place in the history of Samarkand. Samarkand was proclaimed the capi-tal of his empire. It was changed beyond recognition. Under Amir Temur the town entered the period of economic and cultural upsurge. The finest master-craftsmen who gathe-red in Samarkand built palaces, mosques and madrasahs whose magnificence and shapely proportions amaze people this day. Among the remarkable architectural monuments created by the old architects which have survived to the present time are the Shakh-i-Zindeh ensemble, the Masdjidy Djamy Mosque the tomb of Gur-Emir, the ruins of the Bibi-Khanym congregational mosque, the architectural ensemble of Registan Square, the Kuk-Saray palace surrounded by a beautiful park Bustan-Saray, and some others. Still standing are also samples of monumental architecture of the Timurid epoch located in the towns of Shakhrisyabs, Bukhara, Turkestan, etc.

Amir Temur's progressive architectural ideas and persis-tent endeavours made him the founder of the Oriental architecture of the Middle Ages. Architectural monuments of the Timurid epoch are noted for the graceful and yet simple harmony of their shapes which blends with richness and colour of their decoration. They are ornamented with magnificent glazed and carved terra cottas, coloured majolica and mosaics.

Basing his arguments upon long observations and in-depth research of the Amir Temur epoch's architectural legacy, the author is unveiling a number of historical events. Take, for instance, the Bibi-Khanym mosque, a wellknown architural monument located in the town of Samarkand. In reality, that has nothing to do with the princess Saraymulk- hanym. The above mosque was erected by the order of Amir Temur. As to its design, it was also passed by our great ancestor. Just opposite the mosque is the Bibi Khanym Madrasah. Its remains have been found in the course of recent archeological excavations. Located close to it is a building with a majestic cupola khown as the Bibi Khanym Mausoleum. As it turned out, it doesn't correspond to the facts. This building is nothing but a house-khanaka belonging to Princess Tumanaka. It was there that Amir Temur often stayed at during the construction of the mosque.

One more example. The two cupola-crowned building in the Shakh-i-Zindeh ensemble went down in history as the Kazyzada Rumi mausoleum, Mirzo Ulugbek's teacher. But the historical documents irre-futably prove the fact that it was the burial place of Amir Temur's dearly-loved wife-Princess Uldjay Turkanaga.

Ishratkhona in literal translation means a house for entertainments. It is regarded one of the most characteristic mausoleums of the Timurid epoch's architecture. On the basis of numerous historical facts and experts estimates it has been demonstrated that the Ishratkhona mausoleum was a country residence built by Amir Temur in honour of his wife Tukalkhanym.

The book "Architectural Constellation of the Timurid Epoch" By Pulat Zakhidov is published in Uzbek, Russian and English.

ПАРТНЕРЫ НАХОДЯТ ДРУГ ДРУГА

Акционерное общество Узбекская транспортно-страховая брокерская фирма

«КАЛКОН-АЗ»

ПРЕДЛАГАЕТ И СТРАХУЕТ

VAN VLIET TRUCKS HOLLAND B.V.

Тел. (3712)54-55-61, факс:(3712)54-96-12 Адрес: 700015, Ташкент, ул.Айбека, 47.

ОРГАНИЗУЕМ ПОСТАВКИ большегрузных, легковых, специальных автомобилей, автобусов и микроавтобусов различных модификаций ,а также других транспортных средств, включая и сельскохозяйственной техники и дорожно-строительных машин самых известных в мире фирм: DAF, IVECO, MAN, MERCEDES-BENZ, SCANIA и др. Все автомобили и перечисленная техника реставрированы голландской фирмой Van Vliet TRUCKS Holland B.V. Цены - в 4-5 раз ниже, чем у производителей. Всего лишь за $ 60 000 вы становитесь обладателем мощного VOLVO. Ко всей технике «КАЛКОН-АЗ» поставит любые комплектующие и запасные части.

"ARÇELİK" ДЛЯ ВАС СОЗДАЁТ НЕВООБРАЗИМЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ!

Никто не может заставить людей использовать старую технологию!

Потому что люди достойны самого лучшего!



* Flat-square screen.
* Fast view of teletext broadcasts in 7 languages (Fastext).
* Watch TV broadcasts in two languages (Bilingual).
* 100 programme memory.
* Direct channel selection.
* Automatic channel search and pre-setting.
* Dual-stage child lock.
* Programme naming. Advanced menu system.
* Automatik switch off timer. Colour Transition Intensity (CTI).
* Normalisation.
* SCART socket.

"ARÇELİK" TV-8455-409,0$

TV-8655-391,6$

Адрес:
г. Ташкент, ул. Навои (торговые ряды), магазин "ARÇELİK" (напротив Центрального телеграфа).

Старые, но работоспособные телевизоры можно поменять на новые супер-телевизоры "ARÇELİK"!

FIRMA DEMIR

CAREER OPPORTUNITIES

with

ZARAFSHAN-NEWMONT JOINT VENTURE

The Zarafshan-Newmont Joint Venture is an Uzbekistan-American joint venture located in Zarafshan. The joint venture has a long term contract to extract gold from low grade ore. The following career opportunities are currently available in Zarafshan for qualified, experienced, motivated, and energetic candidates:

- TAX ACCOUNTANT
- GENERAL ACCOUNTANTS
- DEPUTY CHIEF ACCOUNTANT
- PERSONNEL MANAGER

The qualified candidates will have a university degree, be conversant in English, and be skilled in the use of personal computer word processing and spreadsheet software. *Accountants must have a university degree in accounting or economics.* S. V's or resumes should be submitted as soon as possible to the Joint Venture's office located at 11B Shevchenko Street in Tashkent. Please be sure to include a phone number so that we may contact you, if you qualify.

ПЕРСПЕКТИВА КАРЬЕРЫ

в

СОВМЕСТНОМ ПРЕДПРИЯТИИ "ЗАРАФШАН-НЬЮМОНТ"

Узбекско-американское совместное предприятие "Зарафшан-Ньюмонт" находится в Зарафшане. Совместное предприятие имеет долгосрочный контракт на добычу золота из бедных руд. В настоящее время в Зарафшане открываются благоприятные возможности для карьеры квалифицированных, опытных, целеустремленных и энергичных кандидатов на должности:

- БУХГАЛТЕР ПО НАЛОГАМ
- БУХГАЛТЕРЫ
- ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО БУХГАЛТЕРА
- НАЧАЛЬНИК ОТДЕЛА КАДРОВ

Претенденты на эти должности должны иметь высшее образование, владеть разговорным английским языком и уметь работать с электронными таблицами и текстовыми редакторами на персональных компьютерах. *Бухгалтеры должны иметь высшее бухгалтерское или экономическое образование.* Резюме просим направлять в ближайшее время в представительство Совместного предприятия в Ташкенте по адресу: Ташкент, ул. Шевченко, д. 11Б. Укажите номер телефона, по которому можно будет связаться с вами, если ваши данные будут соответствовать нашим требованиям.

UZINTOUR

UZINTOUR - член PATA и ASTA

Не за горами лето, вам надо отдохнуть! Где? На одном из самых популярных и недорогих курортов мира - Солнечном берегу Болгарии. Морские купания, великолепные пляжи, спортивные корты, прогулки на катамаранах и водных лыжах, большой выбор развлечений - все располагает к отдыху. Хотите отпуск провести с детьми? Берите их с собой! Они могут жить со взрослыми в отеле или в международном детском лагере, расположенном рядом.

Чартерные рейсы из Ташкента — с 1 июня. Две недели на Солнечном берегу Болгарии - незабываемое удовольствие.

Юбилейные, 100 Олимпийские игры пройдут с 19 июля по 4 августа в американском городе Атланте. В них примут участие и спортсмены Узбекистана. Поболеем за них! АО "Узинтур" вместе с Национальным Олимпийским Комитетом республики, американским консорциумом "Нью Консепт трэвел" взялись организовать поездку узбекистанских болельщиков в Атланту.

Такое бывает только один раз за всю жизнь!

Только мы поможем вам попасть на Олимпийские игры! Генеральный дистрибьютор путевок, а их всего 132 - АО "Узинтур" (во всех туристических фирмах туры по единой цене).

Спешите! Количество мест ограничено!

АО "Узинтур" - ваш деловой партнер в системе индустрии отдыха! Широкий выбор туров: познавательные, учебные, спортивные, лечебные, коммерческие, развлекательные. Путешествия на все вкусы - Англия, Болгария, Германия, Греция, Израиль, Малайзия, Мальдивские острова, США, Таиланд, Турция. Существует формула: клиент - турфирма. Мы работаем по принципу: турфирма - клиент!

Shakhrisyabs joint-stock company **"Sado"** engaged in production of knitted goods offers a wide choise of modern knitted goods for men, women and children.

Our high-guality produce is manufactured of real cotton fibre. Besides, our knitted goods cost much cheaper.

Payment may be made by bank transfer, check or barter.

Our address: 42, Beruny str., Shakhrisyabs, Kashkadarya Region

Tel: (37552) 44398, 43648.

DISGOVER SILK ROAD

Tashkent, Samarkand, Bukhara, Khiva, Ferghana, Termez...

YESTERDAY these ancient cities, carrying through centuries the culture of the Orient, played host to those travelling along the Great Silk Road. TODAY UZINTOUR will be your guide to the sources of the Asian civilization. TOMORROW you'll live on memories of this trip.

UZINTOUR

We offer you our services:
*inbound *outbound *business-tours*
*congress-tours *visa *ticketing *rent a car*

For more information:
115, Buyuk Ipak Yuli st., Tashkent.
Tel.: (3712) 686731, 686827, 686828.
fax: (3712) 674563.
Telex: 116235 TUPNE RU.

LEGIMPEX

LEGIMPEX joint-stock company

LEGIMPEX is a joint-stock company which is a member of the Uzbeklegprom association uniting about 120 small and large light industry enterprises in the Republic of Uzbekistan.

At present our textile factories process 150. 000 tons of cotton fiber and from this produce 115. 000 tons of yarn, 550 million meters of cloth, non-woven materials, knitted goods and hosiery, medical and domestic cotton wool. Our factories also produce threads of raw silk, silk fabric, a wide range of garment and footwear for all age groups, carpets, porcelain ahd other goods.

EXPORT-IMPORT

LEGIMPEX deals with export of the above mentioned goods, textile cotton and silk wastes, cocoons and with import of machinery, eguipment, spare parts,raw materials, chemicals for our factories.
Our partners are REITER, SULZER RUETI, CIBA, GEIGY, BAYER, HOECHST, BASF, A.E.C. GROUP, PETROCHEMICAL, DAEWOO, TOMEN CORP., IDM, ITOCHU CORP., MARUBENI and many others. Sence 1994 LEGIMPEX has estabished numerous relations with CIS countries and exported goods manufactured by its enterprises as well as imported raw materials from those regions.

REMODERNIZATION

and INVESTMENT PROGRAM

"UZBEKLEGPOM" association has launched the remodernization and investment program of its spinning, weaving and finishing factories with the view to manufacture competitive products such as yarn, fabrics, knitted goods. In the silk industry we are working on improving the guality of raw silk threds and fabrics from natural silk.

Financial projects to provide enterprises with up-to-date eduipment are being carried out in following ways:
— Credits from foreign banks
— Contributions from foreign partners and establishment of joint ventures
— The association'sownresources
As a rule, we export up to 100 per cent of goods produced by the joint ventures.
LEGIMPEX joint-stock company invites you for mutually benefical cooperation!

Telephones: waiting-room 39-13-48
export 39-15-88, 39-16-76, 39-15-63
CIS relations dpt 39-40-85
Fax: 39-15-88, 39-15-60, 39-17-94
information 39-45-91
import 39-11-94, 39-14-96
transportation 39-17-94

Республиканское акционерное объединение

"ХУЖАЛИК МОЛЛАРИ"

предлагает

торгующим организациям независимо от форм собственности за наличный и безналичный расчет: изделия из нержавеющей стали в ассортименте (ложки, вилки, подарочные наборы), пластмассовые изделия СП "Совпластитал" (тазы, ведра, ванночки, емкости и т. д.),эмалированную посуду в ассортименте (тазы, ведра, блюда, миски и т.д.), фары и комплекты противотуманных фар производства Литвы, посуду фарфоровую в широком ассортименте, сервизы чайные и кофейные, столовые наборы, посуду хрустальную, краски в ассортименте, кисти в ассортименте, спички, флянцы, сифоны, мыло туалетное импортного производства, чистящие и моющие средства. Кроме того, предлагаем к продаже только за наличный расчет: холодильники "Минск" производства Беларуси, тарелки фарфоровые в широком ассортименте (Россия), бумагу формата А-4 (Германия, Испания), сейфы несгораемые с кодированным шифром (Япония),ковры шерстяные (Молдова), кондиционеры(Япония).

Наш адрес: 700091, город Ташкент, массив Янгиабад, ул.Тал-арык , 24.
Телефоны: 97-09-91, 96-73-20, 96-25-60, 98-37-90, 98-37-96, 98-47-57. Факс: 97-34-85.
Автобусы: 23, 26, 30, 61, 119. Остановка "Янгиабад".

Ўзбекистон Республикаси

ХАЛҚ БАНКИ

Тошкент 700096, Қатортол кўчаси, 46.
Тел: (3712) 78-29-45, 78-82-14, 45-66-43.

PEOPLES BANK of the Republic of Uzbekistan

46 Katartal st. Tashkent 700096, Uzbekistan.
tel: (3712) 78-29-45, 78-82-14, 45-66-43.

ASIAN TECHNICAL COMPANY

TURON

INVITES TO CO-OPERATION
FOREIGN FIRMS

engaged in production and supply of modern high-tech eguipment and mini-technologies which are in a position to invest heavily in the development of technologies in Uzbekistan, jointly with the Asian Technical Company Turon, with its technical and financial assistance.

We know your problems

Tel./Fax: (3712) 44-59-55, 40-31-82, 44-55-12.
Paging: 067-3433.

AN INSERT TO OUR "UZBEKISTON OVOZI" (The Voice of Uzbekictan) NEWSPAPER IS ALWAYS AT YOUR SERVICE.

One of the leading newspapers in Uzbekistan, "Uzbekiston ovozi", has an increasing number of readers across the country. Foreign companies and organizations are showing great interest in advertising in our newspaper. That's the reason why the editorial office is working hard to prepare ads in Uzbek, Russian, English and other foreign languages.

You are always welcome should you have any questions concerning ad placement.

Our address: Matbuotchilar str. 32 Suite 344, 347, Tashkent
Phone: 33-38-55. Fax: 33-79-17

The "Uzbekiston ovozi-times" is ready to work with you!

Editor-in-chief
Azim SUYUN

Head of Editorial Board
Alisher RUZIEV,
Managing editor
Narzulla SHANIYAZOV

Editorial Board:
Shuhrat JABBAROV, Alimkul SULTONOV

Design and computer layout
Gulshan ASADOVA

Мулоҳаза

ДЕҲҚОН ТЎҚ БЎЛСА...

ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА КАДРЛАР МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторини ривожлантириш бозор муносабатларига ўтишдаги асосий ҳал қилувчи бўғиндир. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий, ижтимоий ҳаётда катта роль ўйнайди. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалигидан олинади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, такомиллаштириш жараёни давом этяпти. Деҳқоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ўзгармоқда. У қишлоқда ернинг асосий хўжайинига айланиб боряпти. Юртбошимизнинг «Деҳқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади» деган гапи чин маъно касб этмоқда. Эндиликда деҳқон ўзи ерга эгалик қиляпти. Аммо, масаланинг муҳим томони ҳам борки, уни эътиборга олмаслик мумкин эмас. Республика аҳолиси кун сайин кўпайиб боряпти. Шуни назарда тутиб республикада ерни талон-торож қилишга йўл қўймаслик, маълум давргача ерга давлат эгалигини сақлаб қолиш тақозо этилади. Айни пайтда қишлоқда бозор муносабатларини аста-секин ривожлантириш, деҳқонларнинг ернинг ҳақиқий эгаси эканлигини қайта тиклаш — мерос қила олиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиш учун бериш йўлидан ҳам бориш керак. Бу эса ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самарасидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини беради. Шундагина деҳқон ўзини ернинг чинакам эгаси деб билади. Бу чора-тадбирларни демократик асосда, халқ хоҳишига қараб юритиш керак бўлади.

Аграр ислоҳотнинг дастлабки босқичида қишлоқда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кооператив шаклларини тиклаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қишлоқ хўжалигида кооператив хўжаликлари тузилади. Уларнинг асосини деҳқон (фермер) хўжаликлар, катта бўлмаган кооперативлар, оилавий пудрат ва ижара жамоалари ташкил этади. Жамоа хўжалиги бошқаруви ва деҳқон хўжаликлари ўртасида шартнома муносабатлари тузилиши керак. Зарур техника, минерал ўғитлар, уруғлик билан таъминлашда, ерларнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларига бошчилик қилишда, ирригация ишларини йўлга қўйишда деҳқон хўжаликларига ёрдам бериш жамоа хўжаликларининг асосий вазифасидир. Қишлоқ хўжалигида ҳозирги вақтда деҳқонларга томорқа майдонлари бериш алоҳида ўрин эгаллайди.

Аграр сиёсатнинг асоси — давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечишдир. Хўжаликлар, деҳқонлар экин майдонлари тузилмасини ўзи белгилаши керак. Бунда мажбурий маҳсулот етказиб беришни камайтириш давом этади. Деҳқон маҳсулотларни ўз хоҳишича, эркин шартнома нархлари бўйича сотиши мумкин бўлади. Қишлоқ хўжалигида барча турдаги мевалар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашга давлат буюртмаси бекор қилинади. Сабзавотчиликда давлат буюртмаси етиштирилган ҳосил ҳажмининг 50 фоизигача камайтирилди. Хўжаликларда давлатга топшириладиган пахта толаси, гўшт, сут, донли экинларнинг 15 фоизи ва пилланинг 25 фоизини шартномавий эркин нархда сотиш ҳуқуқи берилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан бири фан-техника тараққиётини ривожлантириш ҳисобланади. Унинг қишлоқ хўжалигидаги асосий йўналишлари — ерни яхшилаш, мелиорация, механизация ва электрлаштириш билан унинг ҳосилдорлигини ошириш, химиялаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашларнинг маданий-техникавий савиясини оширишдан иборат.

Техника — табиат инъоми эмас, балки инсон меҳнатининг маҳсули. У синфий хусусиятга эга эмас. Кўплар бу масалага эътибор бермайди. Техника доим ўзгариб, мукаммаллашиб, ривожланиб боради. У бир томондан технологик жараённи, иккинчи томондан ижтимоий вазифаларни бажаради. Фан-техника тараққиёти эса жамиятнинг моддий-техника базасини яратишнинг асосий ва ҳал қилувчи шарт-шароитларидан ҳисобланади. Техника мукаммаллашиб бораверса, уни қўллаш ҳам ошаверади. Бозор иқтисодиёти шароити қишлоқ хўжалигида янги машиналар, техника қўлланишини талаб этади. Техника кишилар онгли фаолиятининг воситаси сифатида бутун кишилик тарихи давомида қўлланиб келинган. Шунинг учун ҳам техника тараққиётига умумтарих қонуниятлари хосдир. Бу қонуниятларга тарихий нуқтаи назардан, диалектик равишда ёндашишимиз керак:

1. Техника тараққиётининг энг муҳим тарихий қонуниятларидан бири — унинг ривожланишининг доимийлиги ва узлуксизлиги. Бу жамият эҳтиёжининг доимий ўсиши ва кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, ташқи объектив олам тўғрисидаги билимларимизнинг кенгайиши, чуқурлашиши, янги билим соҳаларининг пайдо бўлиши, уларни техника тараққиётида қўллаш имкониятини ечиб беришдан иборат.

2. Техника тараққиётининг яна бир қонуниятларидан бири — кишилик жамиятининг ривожлана бориши билан унинг суръати, кенглигининг узлуксиз тезлашиши ва ўса боришидан иборат.

3. Техника тараққиёти фан тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга улар ўртасида диалектик алоқа ҳам мавжуд. Бу алоқада техника бошчилик қилади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига ўтиш даврида техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири — комплекс механизациялаштириш соҳасида кейинги йилларда анча ишлар бажарилди. Комплекс механизация автоматлаштириш, ишлаб чиқариш унумдорлигини, меҳнаткашларнинг маданий-техникавий савиясини оширишни ўз ичига олади.

Техника тараққиёти ва комплекс механизациялаштириш бозор сиёсатига ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳар томонлама билимга эга бўлган, кенг қамровли механизаторларга талаб кучаймоқда. Бозор иқтисодиётини амалга оширувчи шахслар — тадбиркорлар албатта техникадан хабардор бўлиб, ундан унумли фойдаланишлари лозим. Аммо, шуни айтиш керакки, ёлланма меҳнатга асосланган тадбиркорлик фақат қонун асосида иш юритиб, илгариги ёлланма меҳнатдан — чорикорлик, мардикорликдан мазмун жиҳатдан тубдан фарқ қилади.

Ҳозирги вақтда менежерлар тайёрлаш катта аҳамият касб этади. Ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган маркетинг, менежмент, молия ва кредит масалаларини тушунадиган менежер, ишбилармон кадрларни тайёрлаш муҳим вазифалардан биридир. Нафақат умумий маълумотли ва тадбирли, балки кадрларнинг касб-корига йўналиш олишини, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ўз ичига олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси кун тартибида турибди. Кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларининг янги шакллари — гимназия, лицей, коллежлар ривожланади. Буларда янги кадрлар тайёрланади. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув-илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга, тажриба ўрганишга юборишга катта аҳамият берилади. Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуш даражасига кўтариш бутун аграр сиёсатнинг муҳим вазифасидир.

Асадилла НУРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-ўқув маркази ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуининг профессори, тарих фанлари доктори.

Қирғовул қизил экан...

ДУНЁ ЎЗГАРИШЛАРИ

АҲОЛИ НОРОЗИ БЎЛДИ

АҚШ денгиз пиёдаларининг артиллерия қуролларидан навбатдаги ўт очишларига қарши Окинава шаҳри аҳолиси норозилик намойишлари билан чиқди. Японияннинг жанубий ороллaридан бири бўлмиш бу ҳудудда америкалик ҳарбийлар машқлар ўтказишаётганди. Энг йирик автомобиль йўллари беркитилиб қўйилиб, тўсиқлар пайдо бўлганлиги учун аҳоли норози бўлди.

ҲУКУМАТ БУЙРУҚЛАРИ БАЖАРИЛМАЯПТИ

«Барча ватанпарварлар ва қуролли кучлардаги ҳамда фуқаролар маъмуриятидаги раҳбарлар ҳарбий ҳукуматнинг буйруқларини барбод қилиши керак». Бу ҳақда Бирма иттифоқи миллий кенгаши баёнот берди. Бу иттифоқ мамлакатнинг жануби-шарқий чангалзорларида беркиниб ётган ҳукуматга қарши гуруҳ ва ҳаракатларни бирлаштириб туради. Ушбу ташкилот ва унинг раҳбари Су Чжи баёнотига кўра, очиқдан-очиқ қарши гуруҳлар ҳарбий хунта мамлакатнинг сиёсий муаммоларини музокаралар йўли билан ҳал қилишини истамаяпти, дейишди.

САРАТОН ҚУРБОНЛАРИ

Одатдан ташқари юз бераётган жазирама оқибатида Покистоннинг каттагина ҳудудларида аҳоли азоб чекмоқда. Ҳатто офтоб уриши натижасида одамлар қурбон бўлаётир. Сўнгги хабарларга кўра, бу мамлакатда камида 186 киши жазирама иссиқдан вафот этган.

ПУЛ ЎРНИГА АРОҚ

Курск шаҳридаги мактаблардан бирида ўрта мактабни битириш кечасига аввалдан пул йиғиш анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Байрам дастурхони учун аталган пуллар бир ой илгари йиғиб бўлинди. Бироқ, кеча бошланишига уч-тўрт кун қолганда иккита битирувчи қиз зиёфатда қатнашолмасликларини маълум қилишди. Ота-оналар қўмитасидан иборат зиёфат ташкилотчилари эса ҳамма пулни озиқ-овқат ва ичкилик сотиб олиш учун сарфлаб қўйишганди. Аммо 17 ёшли битирувчи қизларнинг талабини ҳам бажаришди. Уларга пул ўрнига арақ бериб ҳисоб-китоб қилишди.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ҳиндистон ҳукумати Россия, МДҲ давлатлари ва Шарқий Европа мамлакатлари билан мудофаа ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни давом эттирадиган бўлди. «Бу борада биз ушбу давлатлар билан ҳамкорликда қадам ташлаймиз. Айни пайтда мана шу ҳамкорлик республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади», — деди бу ҳақда баёнот берган Ҳиндистон мудофаа вазири Мулаям Сингх Ядав.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• Японияннинг Гавай ороли атрофларида Япония ҳарбий ҳаво кучлари кемасидан туриб, Америка ҳарбий ҳаво кучлари самолёти тасодифан уриб туширилди. Айни пайтда ўша жойда АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Австралия, Канада ва Чили қуролли кучлари иштирокидаги кўп миллатли «Римпак-96» ҳарбий машқлари ўтказилаётган эди. Самолёт денгизга қулаб тушди, бироқ учувчи зарар кўрмади.

***

• Исроил олий суди мамлакатнинг таниқли юристлари гуруҳи томонидан мамлакатда ўтказилган Бош вазир сайлови ноқонуний ўтказилган, деб қўйилган талаби асосида бу масалани кўриб чиқишга қарор қилди. Юристларнинг айтишига кўра, сайлов қайтадан ўтказилиши керак.

***

• Франция НАТО томонидан қабул қилинган кўп миллатли тактик кучларни ташкил этиш ҳақидаги қарорни маъқуллади. Уларнинг ҳисоблашларига кўра, бу Шимолий Атлантика Иттифоқининг янги шароитларга мослашиш йўлидаги муҳим қадамидир. Шу боис НАТОнинг янги қадами Париждагиларга маъқул келди.

ЎЗГА ОЛАМЛАР БОР

Муносабат

Биз ҳаётимизни ташқи оламнинг сирли ҳодиса-воқеалари билан узвий боғламас эканмиз, жумбоқларни ҳеч қачон еча олмаймиз. Еча олишимиз мумкин ҳам эмас.

Оламаро кечаётган сир-синоатларни синчиклаб ўргансангиз, табиат яратувчисининг куч-қудратига тасанно айтмасликнинг ҳеч илажи йўқ.

Ташқи олам билан боғлиқ бўлган сеҳрли ҳодисаларни бутун дунё матбуоти тўла ёрита олмаяпти. Бу ҳам етмаганидек, дунё ҳамжамиятининг фикр ва қарашини умуман бошқа томонга йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Иш шунчаликка бориб етдики, ўтган куни Россия телевидениеси орқали Ер сайёрасига ўзга оламдан юборилаётган номаълум учар жисм (НУЖ)лар гўёки яратувчининг бизга йўллаётган фаришталаридир, деб жар солинди.

Ривоят қилишларича, бир вақтлари қабилалар ўртасидаги жангда асир тушган қулларнинг сочи қиртишлаб олиниб, бошига янги сўйилган туянинг терисини қоплашган ва жазирама иссиқ чўлда оёқ-қўлларини боғлашиб, бир ҳафта-ўн кун овқатсиз, сувсиз қолдиришган.

Бир ҳафта-ўн кундан сўнг хабар олишганда эса юз-икки юз асирдан бор-йўғи ўнта-ўн бештасигина тирик қолган. Чунки иссиқда тараша каби қуриётган туя териси ўсиб чиқаётган соч толаларини таг-томири билан қуритган. Сўзсиз, очликка, оғриққа чидай олмаганлари ҳалок бўлишган. Тирик қолган асирларни (манқурт қуллар) яхшилаб ювинтириб, боқиб, бозорга олиб чиқиб сотишган.

Манқурт қулларнинг нархи оддий қулларга нисбатан бир неча ўн баробар баланд бўлган, чунки булар буюрилган вазифани итоаткор ит каби бажаришган. Ҳаттоки, қочиб кетишни ҳам хаёлларига келтиришмаган. Хаёл-ўйлаш у ёқда турсин, миянинг функцияси шу даражада бузилганки, у онаизорига камондан ўқ отишдан ҳам тоймаган.

Албатта, инсоният бу усулни шу кунда, яъни техника, фан ривожланган бир асрда қўллай олмайди, бунга ҳожат ҳам йўқ. Аммо, бу жараённи осонлаштиришнинг технологик устқурмалари икки юз йил аввал ўйлаб топиб қўйилган. Бу механизмнинг фойдали иш коэффициенти шунчалик юқорики, инсоният ер юзида бир-бирини очликдан ўлишига мажбур қиляпти, миллионлаб инсонларнинг қони беҳуда тўкиляпти.

Бундай ўйлаб қарасангиз, инсоният ғалати бир мавжудот. Бир-бирига душманлик, жаҳолатпарастлик одамларнинг ёстиғини қуритиб юбориши мумкин. Шу кунда етарли даражада қуритяпти ҳам, аммо оддийгина бўлган қор одамни минг-минг йиллардан бери қувлаб тута олмаяпти. Бу ҳам етмаганидек мободо қор одамни кўриб қолса, уни тутиш йўлларини қидириш ўрнига матбуот орқали бутун дунёга аюҳаннос соляпти.

Дарвоқе, ер юзида бундан ҳам ғаройиб воқеалар содир бўляпти. Ажойиблиги шундаки, инсоният бу сирсиноатнинг тагига ҳозирча ета олмяпти.

Буни англаб етадиган вақт эса албатта келади.

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ.

• Ҳабарингиз борми?

ИСРОИЛНИНГ БИРИНЧИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ – ФАЗОДА

Шу йилнинг май ойида Исроилнинг биринчи тижорат сунъий йўлдош алоқачиси — «Амос» фазога кўтарилди. «Амос» Жанубий Америкадан француз ракета ташувчисида парвоз қилди.

«Амос» тижорат йўлдош алоқа тизими сунъий йўлдош ҳамда ердаги станциядан иборат бўлиб, Исроил авиация ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан назорат қилинади. «Амос» дастурини тайёрлаш 1992 йилнинг январидан бошланиб Исроил авиация ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан молиявий таъминланган. Бу борадаги ишлар Германия ва Франция корхоналари билан ҳамкорликда олиб борилган. Албатта, мазкур лойиҳани тайёрлашда бошқа бир қатор йирик компаниялар ҳам ҳамкорлик қилди.

«Амос» сунъий йўлдоши ердамида асосан Яқин Шарқ ва Марказий Оврўпа минтақасида коммуникация соҳасидаги турли хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Сунъий йўлдош 750000 квадрат километр ҳудудда алоқани таъминлай оладики, бу Яқин Шарқ ва Марказий Оврўпа минтақасидаги унинг «нуфузини» янада оширади.

«Амос» билан бирга Индонезиянинг «Палапа С2» сунъий йўлдоши ҳам фазога кўтарилди.

«Амос» энг камида ўн йилгача «иш беради».

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

ТАНСИҚ ИЧИМЛИК

Хитойда энг фойдали ва тансиқ ичимлик чумоли шарбати ҳисобланади. Уч минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида Хитойда тансиқ ҳисобланиб келинаётган чумолида соя дуккакли мевасининг оқсилига тенг оқсил бор, деб хабар беради «Чайна дейли» газетаси. Бундан ташқари, у жуда ҳам микроэлементларга бой, улардан бири цинком. Шунинг учун ҳам у ҳар хил касалликларни даволашда тавсия этилади. Яна чумолининг калорияси оғирлик бирлигига нисбатан гўштнинг калориясидан тўрт марта ортиқ.

САЪВАЛАР ҚУШИҒИ

Америкалик орнитолог (қушлар ҳаётини ўрганувчи тадқиқотчи) Майкл Уэст икки ой ичида 18 минг саъва қушиғини ёзиб олди. Ёзиб олиш давомида у шу нарсани аниқладики, катта саъвалар бир секундда 500 герцдан 12000 герцгача диапазонда 4 та октавани «ижро» эта олар экан. Эркак саъвалар «тенги йўқ қўшиқчи»лар ҳисобланиб ўргочи саъвалар эса, «куйлашни» улардан ўрганишар экан.

ДОҒДА ҚОЛГАН МАЙМУНЛАР

Жанубий Африканинг Трансваль вилоятидаги фермерларнинг мандарин плантациясига кўп йиллардан буён маймунлар тўдаси ҳужум қилиб, катта зарар етказиб келар эди. Маймунлар ҳужумини қайтаришга на қоровуллар, на «қўрқинчли» қўриқчилар, на кучуклар ва на обдон ўйланган қопқонлар ҳам тўсқинлик қилолмади. Ва, ниҳоят, фермерлар бунинг йўлини топишди. Мандаринлар орасига лимон кўчати ўтказиб чиқдилар. Ширин мандарин ўрнига нордон лимон татиган маймунлар шундай «айнидики», ярим йилдан кейин маймунлар плантацияга бутунлай «ташриф» буюрмай қўйди.

Аломат гаплар

БИР ҚОРИНДА... ЎН БЕШ БОЛА?!

Энг кўп эгизак— ўн нафар (2 ўғил ва 8 қиз) — бир қоридан 1946 йилнинг 22 апрелида Бразилиянинг Бакакей шаҳрида туғилганлиги ҳақида маълумот бор.

1971 йил 13 июнь куни Австралияниинг Сидней қироллик касалхонасидан Жералдина Бродрик 9 нафар (5 ўғил ва 4 қиз) эгизак кўрди.

Ишонасизми, 15 нафар (10 қиз ва 5 ўғил) эгизаклардан иборат ҳомилага дуч келди румлик доктор Хеккара Мантанина 1971 йилнинг 22 июлида 35 ёшли уй бекасининг бачадонини операция қилаётиб. Шуниси қизиққи, мазкур ақл бовар қилмас ҳодисага сабаб сифатида аёл ҳомиладорликдан бурун мунтазам равишда қабул қилган пуштсизликка қарши дори кўрсатилган.

45 ЙИЛ ҚИМИРЛАМАЙ ЯШАГАН СИМЕОН

Кишилик тарихидаги дастлабки рекордни 597 йили Сурияниинг Онтохия шаҳри яқинидаги тош эҳромда роппа-роса 45 йил қимирламай яшай билган Авлиё Кичик Симеон ўрнатган бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Мана, орадан ўн тўрт аср муддат ўтибдики, кишилар янги-янги рекордлар билан инсониятни таажжубга солиб келмоқда. Ҳар йили минглаб рекордлар ўрнатилади ёки янгиланади.

Икки нафар эгизак 69 йиллик айриликдан сўнг дийдор кўришди. Америкалик Ричард Хаффман тиши билан мислсиз оғирликни кўтариб, жаҳон рекордини ўрнатди. Ҳинд фуқароси С. Яёрамон эса саккиз кун тўхтамасдан гапирди. Калифорниялик Лорд Уодрофф бир дона домино устига 242 та бошқасини тахлашга муваффақ бўлди. Бразилия ҳарбий полициясининг қирқ нафар аъзоси бир километр масофани битта мотоциклда тўхтамасдан, йиқилмасдан ва ҳатто оёқларини ерга теккизмасдан босиб ўтишди.

Қалбимга қулоқ сол!

ИШДАГИ ИШҚ

Эсимни танибманки, бир овоз қулоғимга жуда яқин ва қадрдон туюлади. Сиз ҳам уни, ҳар куни бўлмасада, ҳафтада бир неча марталаб эшитасиз «... Фильм Комил Ёрматов номидаги «Узбекфильм» киностудиясида дубляж қилинган. Унда артистлардан Ҳамза Умаров, Мукамбар Раҳимова, Ҳожиакбар Нурматов, Римма Аҳмедова, Обид Юнусов ва бошқалар иштирок этишган». Хуллас, бугунги мақоламиз қаҳрамони мингдан ортиқ кинофильмларда катта-кичик актёрлар — катта-кичик образлар учун овоз берган ажойиб истеъдод соҳибаси Мукамбар Раҳимовадир.

Киноларда унинг нафасини ўнлаб овозлар орасидан ажратиб олиш қийин эмас. Илгари шундай сеҳрли овоз эгасининг юзи, табассуми, қадди-қомати қанақа экан деб, кўп ўйлардим. Мукамбар опанинг нигоҳлари ҳам овозидек гўзал ва маъноли экан. Кўп ўйладим. Ҳар хил саволлар хаёлимга келаверди. Охири...

— Мукамбар опа, дубляжда биз сизни нафақат актриса сифатида, балки 200 дан ортиқ фильмни ўзбек тилига ўгиришда бош-қош бўлган яхши бир режиссёр сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. Бир нарсага ҳануз ҳайронман: нима учун аёл режиссёрларимиз жуда кам? Ёки режиссёрлик эркаклар ишими?

— Албатта, режиссёрлик осон эмас. Бу даражага етиш учун актёр жуда кўп мураккаб босқичлардан, оғир синовлардан ўтган бўлиши керак. Мен аёл санъаткорларимиз бу имтиҳонлардан ўтолмайди деб айтолмайман. Лекин уларнинг зиммасида оила, рўзғор ташвиши, фарзанд тарбиясидек муқаддас вазифалар ҳам бор-да! Бу юмушларни режиссёрликдек мураккаб касб билан биргаликда уддалаш аёл киши учун жуда оғир. Балки шу боисдан аёл режиссёрларимиз оздир.

— Унда ўзингиз босиб ўтган йўллар тўғрисида гапириб бера қолинг...

— Ота-онам дўхтир бўлишимни орзу қилган. Ўзлари санъатга ўч бўлсаларда, менинг санъаткор бўлишимга қаттиқ қаршилик кўрсатишган. «Қиз болага бу ҳунар тўғри келмайди» деб атайлаб мени кўпроқ уй юмушлари билан банд қилиб қўйишарди. Қайсарлигим туфайлими ёки қизиқишим устун келдими, ишқилиб мен ниятимдан қайтмадим. Хуллас, 1964 йилда Тошкент Давлат театр ва рассомчилик санъати институтининг актёрлик факультетини тамомладим. Лекин 1972 йилда яна ўша институтнинг режиссёрлик факультетига кириш учун ҳужжат топширдим. Оилали, икки фарзандли бўлишимга қарамай, барибир охиригача кундузги бўлимда ўқиб, уни ҳам битирдим. Бахтга қарши барибир 1986 йилгача менга режиссёрлик насиб қилмади. Охири Шуҳрат Аббосовнинг ёрдами билан дубляжга жойлашдим. Худога шукр, анча-мунча фильмга режиссёрлик қилишга улгурдим. Уларнинг ҳаммаси мен учун энди туғилган чақалоқдек азиз ва янги.

— Сиз кино санъати учун умрингизни, истеъдодингизни, меҳнатингизни аямагансиз. Ўз навбатида дубляж Сизга нима берди?

— Дубляж — ўлмас санъат ва актёрлар учун катта мактаб, у ижодкорга сезгирлик ва табиийлик беради. Экрандаги актёрнинг ҳар бир ҳаракатидан — нафас олишидан тортиб, оғзининг очилиб, ёпилишигача кузатиш натижасида ер тагида илон қимирласа сезадиган бўлиб қоларкан. Дубляжда асосан микрофон билан ишланади. Саҳнада ёнингизда партнёрингиз бўлади. Адашсангиз олиб чиқиб кетади. Овозни бўрттириброқ, бақириброқ етказиш имконияти бор. Микрофоннинг олдида бундай қилолмайсиз. Микрофон шундай нарсаки, сиз ички туйғуларингизни тўғри изҳор қиляпсизми, алдаяпсизми — дарров билинади. Сиз ўкириб-ўкириб йиғланг, лекин ўша йиғи юрагингиздан чиқмаса микрофон фош қилиб қўяди. Баъзан экрандаги юз чақиримлар жойдан чопиб келаётган қаҳрамоннинг ҳансирашини қимирламаган ҳолатда ички ҳаракат билан ифода этиб беришга тўғри келади. Дубляжнинг яна бир яхши томони, сиз экранда қиёмат қойим қилиб ўйнаб қўйган актёрдан барибир нимадир оласиз, нимадир ўрганасиз.

— Янгилишмасам, сиз Наримон Латипов, Ҳамза Умаровдек улкан санъаткорлар билан бирга ишлагансиз. Яхши одамларнинг хотираси ҳам одамга таскин ва ижодий руҳ беради.

— Раҳматли Наримон ака жуда ажойиб одам эди. Кўзлари ҳамиша ёниб, кулиб турарди. Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан», Комил Ёрматовнинг «Ер фарзанди» фильмларида ўзингиз ҳам кўргансиз. Ўша пайтда негадир кечаси соат 11-12 дан эрталабки 6 гача дубляж қилинарди. Ўзимиз қатнашмайдиган эпизодларда ҳаммамиз стулларга ўтириб мизғиб олардик. Наримон ака пультга бошини қўйганча тик ҳолатда ухларди. Роли келганда шартта бошини кўтариб, матнга бир қараб олиб, «мен тайёрман»деб келган жойидан давом эттириб кетарди. Одатда уйқудан сўнг одамнинг овози хириллаброқ чиқади, лекин у кишининг овози мутлақо ўзгармасди. Афсуски, жуда оз умр кўрди... бор-йўғи 33-34 йил. «Хачатуров» фильми Сирдарёда суратга олинаётганда «Бир шўнғиб чиқай!» деганлару, қайтиб чиқмаганлар...

Ҳамза Умаров менинг ҳақиқий устозим эди. Ҳам актриса, ҳам инсон сифатида шаклланишимда у кишининг кўмаги катта бўлган. Дубляжга дастлаб келган пайтимда ҳаяжонланиб титрасам: «Сен ўзингни унут, экранни ўйла!» деб қўлларимга беозоргина уриб қўйгандилар. Шу-шу партнёр бўлиб, ё қизи, ё синглиси, ё севгилиси ролини ўйнадим. Кейинроқ эрхотин ролларини ҳам бирга ижро этишга тўғри келганди. Ҳаётнинг шафқатсизлигини қарангки, у киши энди дунёга танилиб — етдим деганда йиқилдилар. Мен Ҳамза ака қўлларида микрофон билан аппарат ёнида туриб жон берганлар дейишга ҳақлиман. Чунки умрининг энг сўнгги куни съёмкадан тўппа-тўғри дубляжга етиб келиб, қайсидир фильмнинг энг охирги эпизодига овоз бериб кетганди. Муқимий театридан рафиқаларини олиб уйларига борганлару «Тез ёрдам» етиб келмасидан жон берганлар...

***

Опа билан узоқ суҳбатлашдик. Санъаткор собиқ иттифоқ даврида ўтказилган дубляж танловларида «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулотлари бир неча ўн йилликлар мобайнида фақат биринчи ўринни эгаллаб, дунё танийдиган кино усталарини ҳайратга солганини куюниб, суюниб эслади.

Мукамбар Раҳимова илк марта фильмга овоз берганида 11-12 ёшли жамалак соч қизча эди. Бугун эса халқимиз бисотидаги энг ноёб бойлик ҳисобланмиш эртаклар Мукамбар Раҳимовадек катта санъаткорнинг жозибали овози орқали фарзандларимиз қалбига қуюлмоқда. Кичкинтойлар билан ёнма-ён «Оқшом эртаклари»ни томоша қилар эканман, беихтиёр кўз олдимда ва қулоғимда «Ишдаги ишқ» фильми жонланади. Овоз ва нигоҳ уйғунлашади. Ишдаги ишқнинг яна бир ёрқин тимсолини топгандек бўламан.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Маҳаллий вақт билан

ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ

1996 ЙИЛ 2 ИЮНДАН АМАЛГА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

поезд №№	Қатнов участкалари	Қатнаш кунлари	Келиш вақти		Туриш вақти	Жўнаш вақти	
			соат	мин	мин	соат	мин
1	2	3	4	5	6	7	8
	ТОШКЕНТ — МАРКАЗИЙ ВОКЗАЛИ БЎЙИЧА						
5	Тошкент — Москва	сеш., пайш., шан., якш.				7	10
6	Москва — Тошкент	сеш., пайш., жума., якш.	11	55			
21	Нукус — Алмати	пайш., шанба	9	40	20	10	00
22	Алмати — Нукус	сеш., якш.	19	15	20	19	35
23	Душанбе — Москва	тоқ кунлари	22	10	55	23	05
24	Москва — Душанбе	тоқ кунлари	17	30	30	18	00
49	Тошкент — Оқмола	тоқ кунлари				15	55
50	Оқмола — Тошкент	тоқ кунлари	6	45			
60	Тошкент — Андижон	ҳар куни				21	13
59	Андижон — Тошкент	ҳар куни	5	45			
85	Тошкент — Москва	ҳар куни				11	55
86	Москва — Тошкент	ҳар куни	4	55			
115	Тошкент — Свердловск	душ., чор., жума., якш.				19	53
116	Свердловск — Тошкент	сеш., пайш., шанба., якш.	5	5			
133	Андижон — Москва	сеш., пайш., шанба., якш.	12	40	15	12	55
134	Москва — Андижон	душ., чорш., жума., шанба	15	50	30	6	20
133	Тошкент — Москва	душанба				12	55
134	Москва — Тошкент	якшанба	5	50			
187	Жалолобод — Бишкек	4,8,12,16,20,24,28	14	55	20	15	15
188	Бишкек — Жалолобод	4,8,12,16,20,24,28	3	25	25	3	50
199	Тошкент — Иркутск	чорш., жума., якш.				5	35
200	Иркутск — Тошкент	душ., пайш., шанба	18	15			
175	Тошкент — Новокузнецк	жуфт кунлари				13	55
176	Новокузнецк — Тошкент	жуфт кунлари	8	20			
235	Андижон — Самара	душ., пай.	3	35	20	3	55
236	Самара — Андижон	душ., жума.	22	15	20	22	35
281	Тошкент — Уфа	пайшанба	19	50	20	20	10
282	Уфа — Тошкент	пайшанба	13	50	25	14	15
295	Тошкент — Харьков	пайш., якш.				22	30
296	Харьков — Тошкент	пайш., якш.	21	15			
311	Тошкент — Красноярск	душ., пайш., шанба				5	35
312	Красноярск — Тошкент	чорш., жума., якш.	18	15			
373	Тошкент — Омск	тоқ кунлари				13	55
374	Омск — Тошкент	тоқ кунлари	8	30			
379	Тошкент — Қозон	чорш., якш.				16	35
380	Қозон — Тошкент	сеш., шанба	8	10			
381	Самарқанд — Уфа	душанба	19	50	20	20	10
382	Уфа — Самарқанд	шанба	14	15			
918	Тошкент — Москва	ҳар куни				22	00
917	Москва — Тошкент	ҳар куни	12	00			
921	Тошкент — Москва	жума, якш.				19	05
922	Москва — Тошкент	душ., чорш.	10	55			
924	Тошкент — Душанбе	сеш., жума				8	10
923	Душанбе — Тошкент	душ., жума	3 00				
926	Тошкент — Андижон	ҳар куни				15	50
925	Андижон — Тошкент	ҳар куни	3 15				
941	Тошкент — Новосибирск	ҳар куни				19	05
942	Новосибирск — Тошкент	ҳар куни	15	55			
	ТОШКЕНТ — ЖАНУБИЙ ВОКЗАЛИ БЎЙИЧА						
188	Бишкек — Жалолобод	4,8,12,16,20,24,28	4	04	6	4	10
134	Москва — Андижон	душ., чорш., жума, шанба	6	33	7	6	40
924	Тошкент — Душанбе	сешан., жума	8	27	9	8	36
382	Уфа — Самарқанд	шанба	14	28	6	14	34
926	Тошкент — Андижон	ҳар куни	15	40	10	15	50
80	Тошкент — Денов	тоқ кунлари				16	20
54	Тошкент — Қўнғирот	душ., чорш., жума				17	45
54	Тошкент — Нукус	сеш., пайш., шан. якш.				17	45
24	Москва — Душанбе	тоқ кунлари	18	12	5	18	17
66	Тошкент — Китоб	жуфт кунлари				19	05
22	Алмати — Нукус	сеш., якшанба	19	47	5	19	52
62	Тошкент — Бухоро	ҳар куни				20	20
658	Тошкент — Андижон	ҳар куни				20	30
60	Тошкент — Андижон	ҳар куни	21	25	5	21	30
924	Тошкент — Душанбе	сеш., жума	8	27	9	8	36
918	Тошкент — Москва	ҳар куни	21	55	5	22	00
236	Самара — Андижон	душ., жума	22	47	5	22	52
53	Қўнғирот — Тошкент	душ., пайш., шан.	3	50			
53	Нукус — Тошкент	сеш., чор., жума, якш.	3	50			
657	Андижон — Тошкент	ҳар куни	5	15			
65	Китоб — Тошкент	жуфт кунлари	6	10			
61	Бухоро — Тошкент	ҳар куни	7	10			
79	Денов — Тошкент	тоқ кунлари	9	00			

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азамат ЗИЁ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Салим АШУРОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 3о414 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0302

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22 .50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

УЛАР ОЛИМПИАДАГА БОРАДИЛАР

Атланта олимпиадасига йўлланма олган юртимиз спортчилари сони 80 га етиб қолди.

Илк марта мустақил терма жамоа бўлиб юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишга шайланаётган йигит-қизлар маҳоратларини оширмоқдалар. Улар турли халқаро мусобақаларда олимпиадага муносиб номзод эканликларини намойиш этишмоқда. Хусусан, эшкак эшувчиларимиз Японияда ўтказилган мусобақада муваффақият қозониб, бир йўла 14 та олимпиада йўлланмасини қўлга киритишди. Бу муваффақиятга байдаркачилардан Иван Киреев, Владимир Олимжонов. Рафаэл Исломов, Владимир Казанцев, Константин Яшин, Андрей Шилин, Анатолий Тюрин, Ирина Лялина, Инна Исакова, Елена Лебедева, татьяна Левина, Евгений Астанин, каноэчилар Сергей ва Владимир Шоисломовлар муносиб ҳисса қўшдилар.

ПЕШҚАДАМЛАР УЧРАШГАНДА

Бугун Олий лига футбол жамолари ўртасида мамлакат футбол чемпионатининг 9-тур ўйинлари бошланади.

Мухлислар пешқадам бўлиб турган ва мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган «Навбаҳор» — «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги учрашувга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шунингдек, «Пахтакор» — «Дўстлик» ҳамда эртага бўладиган «Трактор» — «Янгиер» учрашувларининг ҳам қизиқарли бўлиши кутилянти. Боиси, бу учрашувларнинг натижалари пешқадам жамоаларнинг мавқеига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқа жамаолар ҳам қимматли очколар олишга ҳаракат қилишлари табиий.

ОСИЁ БОЗОРИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий ахборот, реклама илова газетаси

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон овози» ва унинг «Осиё бозори» иқтисодий ахборот, реклама илова газетаси доимо сизнинг хизматингизда!

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси — «ОСИЁ БОЗОРИ» рўзномасининг ҳам бугунга келиб муштарийлари сони ортиб бормоқда. Хорижий фирмалар ҳамда тадбиркорларнинг рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган турли эълонлар ва рекламаларга бўлган қизиқиши эса кучайяпти. Шу муносабат билан газета таҳририяти реклама ва эълонларни рус, инглиз ҳамда сиз истаган бошқа ҳар қандай тилда чоп этишни йўлга қўймоқда.

Марҳамат, сиз бу масалада бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 344-343 -347 хоналар.
Телефонлар: 33-38-55, 33-54-55.
Факс: 33-79-14.

Эшитмадим деманглар, «Осиё бозори» ҳаммаҳаммани ҳамкорликка чорлайди!

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига "Рағбат" ва "Омад" номли янги омонат турларини таклиф қилади.

"Рағбат" номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоизи миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.

Сақланиш муддати — 6 ой.

Ютуқли омонат *"Омад"*га пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!

Бу омонат тури *"талаб қилиб олгунча"* омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.

Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришини маълум қилади.

Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналари уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялайдилар, деб ишонч билдиради.

Биласизми?

ХОСИЯТЛИ САБЗАВОТЛАР

Кўпгина кўкатлар қатори сабзининг ҳам хосияти бениҳоя. Айниқса, аёлларимиз ундан оройиш ва пардозланиш мақсадида фойдаланадилар. Уй шароитида қирилган сабзидан ниқоб тайёрлаш мумкин. Териси тозаланган юзга бундай малҳам суртилгандан кейин 20 дақиқадан сўнг ювиб ташланади. Шунингдек, сабзини сутачитқили малҳамга ҳам қўшса бўлади. Баъзи ҳолларда сабзи шарбати билан 20 фоизли спиртдан баравар олиб, аралашмадан юз терисини соғломлаштириш мақсадида суртма қилиб юриш мумкин. Нафис териларни фақат сабзи шарбати билан ювилса, юзга ўзига хос ёқимли ранг беради.

Юз терисини пардозлашда картошкадан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун картошкани арчиб майдалагач, сут, мева, лимон, апельсин, резавор мевалар, бодринг, помидор шарбати билан аралаштирилиб, бўтқасимон малҳам тайёрланади. Бундай аралашмани юзга суртиб (20 дақиқа), ювиб юриш юз терисининг майин ва таранг бўлишига, ажинларнинг йўқолишига имкон беради.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 11 июнь, сешанба куни чиқади).

Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси институт машина ҳайдовчиси Зоир Каримовга волидаи муҳтарамаси **РАҲБАР ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.